«МУҚИМИЙ»ДА НИМА ГАП?

*Театрда бажариладиган ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари номуайян муддатга меҳнат шартномасини тузиш мумкин бўлмаган ҳолатми? Нима, театрда фаолият кўрсатаётган ходимнинг иш ҳажми вагонга тарвуз ортаётган мардикорнинг ишига ўхшаб тугаб қоладими?! Ёки театрдаги ходимлар меҳнат шартномаси муддатли бўлиши кераклигини ўзлари талаб қиляптиларми?!*

2 -бет

САДДАМ ҲУСАЙН ҚАЕРДА?



*Айни пайтда Бағдоддаги стратегик иншоотлар, ҳукумат ва БААС партияси бинолари Қўшма Штатлар ҳарбийлари томонидан синчковлик билан текширилмоқда. Ироқ муваққат ҳукумати фаоли, "Ироқ миллий конгресси" ташкилоти раҳбари Аҳмад Чалабийнинг таъкидлашича, Саддам Ҳусайн ҳали тирик.*

3 -бет

ҲАРОРАТЛИ УЧРАШУВЛАР



Ҳар сафар бирорта қиз тўйига бориб, ошини еганимда раҳматли Ғафур аканинг айтганлари эсимга тушади, ҳамроҳларимга айтиб бераман. Руҳлари шод бўлса, ажаб эмас...

4 -бет


Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№17 (323) 2003-yil 30-aprel


ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ

1 АҚШ $ — 967,63 сўм

1 ЕВРО — 1069,33 сўм




«Ҳуррият» сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.


**Арафа**





*Тошкент кўплаб халқаро анжуман, нуфузли йиғинларга мезбонлик қилган. Ва, айтиш мумкинки, дунёга тинчлик шаҳри деб танилган пойтахтимизда ҳар доим ҳам мезбонлик расм-русумлари ўз ўрнида адо этилган. Умид қиламизки, бу сафар ҳам анъана бузилмайди. Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилари кенгашининг 12-йиллик мажлисига ташриф буюрган хорижлик ҳамкорларимиз яна бир карра халқимизнинг меҳмондўстлик фазилатига гувоҳ бўлади. Айни вақтда Тошкент ҳар қачонгидан ҳам гўзалроқ қиёфа касб этган. Нуфузли анжуман муносабати билан пойтахтимиз йўллари, иншоотлар таъмирланди, шаҳар ободонлаштирилди. Жаҳон талабларига мувофиқ қайта таъмирдан чиққан кўп юлдузли меҳмонхоналаримиз олий мартабали меҳмонларни кутиб олишга деярли тайёр.*

## ЕТТБ АНЖУМАНИГА УЧ КУН ҚОЛДИ

ЕТТБ йиғилишининг расмий дастури икки асосий тадбир: Бошқарувчилар кенгаши мажлиси ва бизнес-анжуманни ўз ичига олади. Бошқарувчилар кенгашида банкнинг аъзо мамлакатлар молия ва иқтисодиёт вазирлари, марказий банк бошқарувчилари ҳамда халқаро молия ташкилотининг жойлардаги ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этади. Кенгаш 4 май куни тушдан сўнг бошланади ва 5 май куни эрта тонгдан ўз ишини давом эттиради. Учрашувга ЕТТБнинг Буюк Британиядаги бошқарувчиси раҳбарлик қилади ва уни банк президенти кириш сўзи билан очиб беради. Умуман, Бошқарувчилар кенгаши ҳақиқий маънода банк фаолиятни сарҳисоб қилади, йиллик натижаларга баҳо беради. Кенгаш доирасида ўтказиладиган диққатга сазовор ҳодисалардан бири ЕТТБ сармоясидан фойдаланаётган давлатлар тақдимотидир. Албания, Арманистон, Озарбайжон, Руминия, Россия, Украина, Ўзбекистон каби 27 мамлакат тақдимотида уларнинг иқтисодий салоҳияти кўргазмалар орқали намойиш этилади. Энг муҳими, тақдимот давомида банк фаолиятининг асосий тамойилларида бўлган ҳурфикрлилик, плюрализмни сақлашга алоҳида эътибор қаратилади. Яъни тақдимот маърузасида ҳукумат аъзоси ва ҳудуддаги ЕТТБ ваколатхонаси раҳбари билан бирга мамлакат тадбиркорлари вакили ҳам қатнашади.

Йиллик йиғилиш доирасида ўтказиладиган бизнес-анжуман янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича катта имкониятлар очади. Чунки айни шу бизнес-форум пайтида йирик қийматли лойиҳалар муҳокама этилади ва катта миқдордаги сармоялар энг муносиб номзодларга ажратилади.

Бундан ташқари, анжуман дастуридан халқаро ва республика ишбилармон доиралари иштирокидаги семинарлар ҳам ўрин олган. Табиийки, ушбу семинарлар республикамиз тадбиркорларига





ишончли ҳамкор топиш ва ўз фаолиятини йўлга қўйиш учун етарли миқдорда сармояга эга бўлиш имконини беради. ЕТТБ йиллик мажлисини одатдаги халқаро анжуман, музокараларга қиёслаб бўлмайди. "Вақт бу — пул" деган ақида асосида яшайдиган Ғарб сармоядорлари мамлакатимизга фақат саёҳат учун ёки Самарқанд, Бухорони зиёрат қилиш учун келмаяптилар, албатта. Ана шу форум, яна шу анжуман ва учрашувлар замирида ягона омил ётибди: **ўзаро манфаатли ҳамкорлик.**

Мамлакатимиз ЕТТБ билан ҳамкорлик қилишдан қанчалик манфаатдор бўлса, ўз навбатида банк ҳам бу алоқалардан катта фойда кўради. Иқтисодий-жуғрофий жойлашуви ғоят қулай бўлган Ўзбекистон Ғарбу Шарқни боғловчи кўприк сифатида халқаро молия муассасаси тизимида катта ўрин тутади. Шу сабаб бўлса керак, ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши томонидан тасдиқланган Ўзбекистон учун 2003-2005 йилларга мўлжалланган янги стратегия дастурида мамлакатимиз билан олиб борилаётган алоқаларни кенг миқёсда давом эттириш ва янада кенгайтириш кўзда тутилган. Дастурда банк фаолиятининг учта устувор йўналиши белгилаб берилган. Хусусий сармоялар ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, банк-молия секторини ривожлантириш, транспорт, энергия ва коммунал хизмат инфратузилмаларини такомиллаштиришга мўлжалланган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш ана шулар жумласидандир. Шунингдек, ушбу стратегия дастурида банкнинг инсон ҳуқуқлари, сиёсий ва иқтисодий эркинликлар, молиявий муносабатлар борасидаги позицияси аниқ равшан кўрсатилган. Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, йиллик мажлис доирасида турли мавзуларга бағишланган мунозаралар, муҳокама форумлари ташкил этилади. Хусусий секторнинг жамиятдаги ўрнини янада ошириш учун нималар қилиш зарур? Халқаро ва минтақавий савдонинг аҳамияти нимада? ЕТТБ ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлиги истиқболлари қандай? Глобаллашув шароитида банк фаолият йўналиши қандай бўлмоғи лозим? Интеграция тобора кучаётган бир вақтда миллий манфаатлар қандай ўрин тутади? Анжуман давомида шу ва шу каби қизиқарли, мунозарали саволлар теграсида баҳсу мунозаралар олиб борилади. Масалан, банкнинг Марказий Осиёдаги фаолият йўналиши мавзусидаги йиғинда Осиё Тараққиёт Банки вице-президенти Ж. Эйченбергер, ЕТТБ вице-президенти С. Каемфер, Жаҳон Банки вице-президенти Й. Линн билан бирга мамлакатимиз номидан Бош вазир ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев иштирок этади.

Анжуманда фақатгина иқтисодий-молиявий масалалар муҳокамаси билан чекланиб қолинмайди. Тадбирлар давомида бугунги кундаги мамлакатимиз, минтақамизнинг энг оғриқли нуқтаси бўлиб қолаётган сув муаммоси, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мавзусидаги мулоқотлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Шу йўналишдаги муҳокамаларда мамлакатимиздан Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (GEF) раҳбари Рим Гиниатулин, Халқаро сув бошқармаси Бош котиби Р. Жост, Қирғизистон Бош вазири ўринбосари Ж. Ўтарбоев ва бошқа мутахассислар иштирок этиши кутилмоқда. Шу билан бирга бизнес-форумда ижтимоий аҳамиятга молик масалалар ҳам муҳокама марказида бўлади. Масалан, тадбиркорлик ва ҳукумат бошқарувида аёлларнинг ўрни мавзуида ўтказилажак суҳбатлар бу борадаги вазиятга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни кенгайтиришга қаратилган тадбирлар мамлакатимиз ишбилармонларига амалий кўмак беради.

ЕТТБ қандай фаолият кўрсатяпти? Кўзланган режалар қай даражада бажарилди? Стратегия дастурида эътироф этилган мақсадлар рўёбга чиқдими? Бу саволларга ЕТТБ Бош иқтисодчиси Виллем Байтер ўз ҳисобот маърузасида жавоб беради.

Яна уч кундан кейин, аниқроғи, 4 май куни орзиқиб кутилган анжуман ўз ишини бошлайди. "Ҳуррият"ни кузатиб боринг. Келгуси сонда нуфузли халқаро учрашувлар ҳақида муфассал маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

**Собиржон ЁҚУБОВ, «Ҳуррият» мухбири**

**НИЗОМЖОН олган сурат**

## ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

***ЕТТБ анжуманини 191 нафар хорижлик ҳамкасбларимиз — ОАВ вакиллари ёритиб боради***

Куни кеча Ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. ЕТТБ анжуманига саноқли кунлар қолди. Бундай пайтда нафақат журналистларни, балки кўпчиликни нуфузи жиҳатдан юқори бўлган тадбирда кимлар иштирок этиши ҳақидаги маълумотлар қизиқтириши табиий. Шунданми, вазир ушбу анжуманнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий аҳамияти ҳақида тўхталар экан, эътиборни дарров рақамларга қаратди.

Маълумотларга қараганда, ЕТТБ йиллик мажлисида ўтган йил Бухарестда ўтказилганидан кўпроқ вакиллар қатнашади. 59 давлат, 8 та халқаро ташкилотдан 2000 дан ортиқ кишининг келиши қайд этилган. Иштирокчиларни 5 таси давлат раҳбари, 6 таси Бош вазир ўринбосари, 34 таси вазир даражасидаги кишилардир. Уларнинг 21 таси молия, 7 таси иқтисод, 4 таси ташқи ишлар вазирлари, 22 таси эса вазир муовини. Бундан ташқари, 12 та мамлакатнинг марказий банк раиси ва муовинлари ташриф буюради.

Расмий ҳайъат аъзоларининг умумий сони 554 нафар бўлса, ишчи ходимлари 600 нафар кишини ташкил этяпти. Турли мамлакатлардан келган 191 нафар оммавий ахборот воситалари вакиллари ЕТТБ анжумани ҳақида бутун жаҳонга хабар ва маълумотлар тарқатади. Вазирнинг айтишича, меҳмонларнинг Тошкентга келиши 2 май куни кечга яқин тугайди.

**Исмат ХУДОЁРОВ**

**ММMда**

## ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Тошкент Ислом университетининг бир гуруҳ олим ва талабалари иштирокида "Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқаси ва бирбирини бойитиши — жамиятни демократлаштириш асоси" мавзуидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда демократия ва маънавият уйғунлиги, маҳалла ва оилада маънавият, ҳадислар ва миллий меросимизнинг жамият ҳаётида тутган ўрни каби бир қатор мавзулар атрофлича муҳокама этилди. Анжуман иштирокчилари томонидан матбуотимиз олдида турган бугунги муаммолар, Ироқ теварагида кечаётган сиёсий воқеалар ҳам таҳлил этилди ва кўпгина фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Саноат МУХАМЕДКУЛОВА**

**Якун**



## ОДАМЛАР ЎЗГАРСА — ТУРМУШ ЎЗГАРАДИ

ИККИНЧИ чақириқ Олий Мажлисининг XI сессияси биринчи иш кунидан чиқиб келаётганимда хорижий ҳамкасблардан бири саволга тутди:

— Конституцияга киритилган қайси ўзгариш сизда катта таассурот қолдирди?

— 89-моддага киритилган таҳрир, — дедим.

Бу — жамиятнинг эркинлашуви йўлидаги яна бир илгари ташланган қадам.

Ҳамкасбим бўш келмади:

— У ҳолда мазкур ўзгаришга қадар Ўзбекистонда демократия бўлмаган экан-да?

У шундай деб гўё мени лол қолдиргандек, сирли жилмайиб қўйди. Мен жавобимни хорижлик мухбирни "суюнтирадиган" жумладан бошладим:

— Ўзбекистонда демократия йўқ... — Бир нафас сукут сақладим-да, муддаога кўчдим: — Демократия — муайян йўналишда юрадиган автобуснинг сўнгги бекатига ўхшаш марра эмас, у — жараён. Яшаш тарзи Конституциямизнинг 89-моддасидаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади" дейилган иккинчи қисми олиб ташлангач ҳам жамиятни эркинлаштириш жараёни давом этади. Ҳали жуда кўп ишлар қилишга тўғри келади бу борада.

Шу ўринда бир нарсани Президент алоҳида таъкидлаганига эътибор беришга тўғри келади. Яъни, Конституцияга ўзгартириш киритилаётгани фавқулодда ҳолат ёки шошилинч зарурият эмас, балки вақт-соатини кутаётган навбатдаги таҳририй янгиланишдир.

Олий Мажлис сессияларини оддий фуқаролар ҳам орзиқиб кутишга одатланишган ва ҳар сафар уларда "Қонунларга киритилаётган ўзгаришлар биз авом халққа нима беради?" деган савол туғилади. Бу сафар ҳам одат канда бўлмагани аниқ. Яъни, Конституция таҳрир ҳам қилинар, у мукаммаллашиб ҳам кетар, бундан оддий ишчиларга қандай наф тегади? Кундалик турмушда нима ўзгаради?

Бу ва шу каби саволлар қанчалик мантиқий ва ҳақли бўлмасин, янада мантиқли ва янада ҳақли жавобни очиқ-ойдин айтишга тўғри келади: кишиларимиз тафаккури ўзгармагунига қадар Конституция ва ҳоказо қонунларнинг ўзи ўз ҳолича ҳеч нарса қилиб беролмайди!...

Ишчилар тафаккурини ўзгартириш механизмлари жамоат ва нодавлат ташкилотларида, маҳаллада яратилади. Эркинлашув йўлида собит бораётган жамият вакиллари, яъни кишилар объект эмас, субъектга айлана борадилар, субъект-шахс кўпчиликни ташкил этган тақдирдагина фуқаролик жамияти тамойиллари ривожланади. Одамларни давлат эмас, уларнинг ўзлари ўзларини бошқарадилар. "Шуни унутмаслик лозимки, — деди Президент маърузада, — авваламбор, айнан ана шундай тузилмаларда давлат ва мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга танқидий жиҳатдан холис баҳо берилади, ён-атрофда содир бўлаётган барча воқеа ва ҳодисаларга нисбатан билим ва тажриба, фуқаролик ёндашуви ва позицияси шаклланади".

Сал кам бир ярим соатлик маърузанинг талайгина қисми Ироқдаги воқеаларга бағишланди. Бу мамлакат чегараларига яқин ҳудудларда ҳарбий техникалар шай бўлаётган кезлардаёқ АҚШ тутаётган сиёсат турлича талқин қилина бошлади.

Давлат раҳбарлари, мутахассислар, оддий кишилар — ҳар ким ўз тушунчаси ва манфаатларидан келиб чиқиб муносабат билдирди. Республикамиз раҳбари АҚШ раҳнамолигидаги иттифоқ ҳаракатларини аввалбошданоқ қўллаб-қувватлади.

Ҳарбий ҳаракатлар 20 кундан нарига ўтмади. Ваҳоланки, айримлар учинчи жаҳон уруши "бошланиши"дан башорат қилиб улгуришган эди.

Ислом Абдуғаниевичнинг батафсил изоҳ ва таҳлилларига қулоқ солиб ўтириб, Форс кўрфазидаги ҳақиқий аҳвол манзараларини кўз олдидан ўтказган киши ўзича хулосалар чиқариши табиий: XXI асрда ҳар қандай мустабид тузум узоққа бормай куни битади! Чунки глобаллашув шиддати каттами-кичикми, қатъий назар, ҳеч бир давлат доирасида зўравонлик, маҳдудлик, истибдод ҳукм суришига йўл қўймайди.



Иштирокчи давлатларнинг қўшинлари Ироқ заминига кириб боргандаги аҳволни телеэкрандан кўрдим:

**Саддам Ҳусайнга садоқатли қўшин қани?..**

**Даҳшатли қуроллар қани?..**

**Жонини тикишга тайёр аҳоли қани?..**

Афсуски, ҳеч нарса йўқ. Ҳаммаси ҳавойи, совун кўпигидек омонат дабдабалар, омонат кучқудрат экани аён бўлди-қолди.

Мустабид, тоталитар бошқарув шароитида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас!

Ироқдек бадавлат мамлакатнинг оч-наҳор аҳолиси Саддам ҳайкалини тепиб оёқости қилаётгани, қаровсиз қолган мол-мулкни талон-тарож қилгани эса сал кам чорак асрлик қўрқув ва алдовга асосланган зўравон жамият пешволарига қарши заруратга айланган халқ аламининг — ялпи аламзадаликнинг тимсолига айланди.

Саддам 25 миллионлик аҳолисини шу кўйга солди, уларнинг оломонларча олқишларига маст бўлиб, ўзини даҳо санади. Ўзи ва гумашталари ҳушига келган номаъқул бузоқнинг гўштини еди, халқнинг кўксидаги ғурур туйғусини зулукдек сўриб олиб, ўрнига қўрқув микробларини солди. Ва қўрқоқ одамларнинг ёлғон олқишлари абадий давом этади, деб хомтама бўлди...

Адолатсизлик қони чакиллаб турган жамият ёш болалар денгиз соҳилида қумдан ясаган гумбазчалар сингари бир тўлқин зарбига дош беролмаслиги Ироқ мисолида жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида ниҳоятда жонли сабоқ бўлиб қолди...

СЕССИЯДА яна кўплаб масалалар кўрилди. Ҳисоботлар эшитилди. Бир дунё рақамлар келтирилди. Мартабали лавозим ўринлари тўлдирилди. Қашқадарёдаги Баҳористон ва Усмон Юсупов туманлари бирлаштирилиб, Миришкор тумани тузилди. Ҳаммаси яхши бўлди. Энди ана шу яхши ишлар оддий ишчилар ҳаётини, турмушини, орзу-умидларини яхшиламоғи керак.

Бунинг учун эса... юрт раҳбари касбимиз олдидаги, ҳамкасбларимиз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли вазифани яна бир карра алоҳида таъкидлади: **"Шак-шубҳасиз, бу жараёнда матбуотимиз, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениенинг роли катта аҳамиятга эга".**

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**


«Ҳуррият»ни самода ҳам ўқишмоқда



**2003 йил давомида «Ҳуррият» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.**


**Хабар**

## «РЕПОРТЁР»ДА ТЎПЛАНИШДИ

Бухорода журналистларнинг "Репортёр" клуби ташаббуси билан "Матбуот ва сиёсат. Ўзбек матбуоти янги шароитда" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда Бухоро ва Навоий вилоятида фаолият кўрсатаётган журналистлар, сиёсий партиялар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

"Сорос" жамғармаси гранти асосида ташкил этилган туркум мунозаралар, семинарларнинг якунийси бўлган ушбу анжуманда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги маркази сиёсий маслаҳатчиси Корнелиу Мушенски ушбу халқаро ташкилотнинг жаҳон бўйлаб юритаётган фаолияти ҳамда мамлакатимиз билан ҳамкорлиги ҳақида сўзлади.

Анжуман иштирокчилари таниқли журналист, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси раиси Амирқул Каримовнинг "Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари янги шароитда" мавзусидаги мулоҳазаларини тингладилар.

Сўнгра жаҳонда сиёсий, ижтимоий барқарорликни таъминлаш механизмлари, жамиятда матбуотнинг ўрни, журналист позицияси, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва қонун устуворлигини таъмин этишни яхшилаш юзасидан баҳс-мунозара ҳамда савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Иштирокчилар Бухоро журналистлари ўз ассоциациясини тузганликларини ва журналистлар бирдамлигини юксалтириш юзасидан иш бошлаганликларини қўллаб-қувватладилар. Республикамиздаги жами журналистларнинг бошини қовуштирадиган, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси, ижодий равнақи учун жон куйдирадиган ташкилот тузилишини ёқлаб фикр билдирдилар.

**М. БОБОҚУЛОВ**

**3 май —**

## БУТУНЖАҲОН МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ КУНИ

***Сиз демократияни қандай тушунасиз?***

**Умид БЕКМУҲАММАД, тадқиқотчи:**

— Демократияга бир кунда ёки икки-уч йил ичида эришиб бўлмайди. Бироқ демократияни кутиб ўтириш, унга бизнинг авлодларимиз эришади, дейишимиз нотўғри бўлса керак. Демократик жараёнларни жадаллаштириш учун хизмат қилиш, айниқса, бугунги истиқлолнинг илк давридаги авлоднинг муҳим бурчидир. Бунинг учун энг асосийси — жамиятда фуқароларнинг эркинлиги таъмин этилиши лозим. Бугунги жамиятни демократиялаштириш жараёнида эса энг фаол куч журналистлар бўлмоғи керак. Зеро, Бернард Кохон айтганидек: "Матбуот инсонларга қандай ўйлаш кераклигини айта олмаслиги мумкин, аммо у ҳар доим инсонларга нима ҳақда ўйлаш кераклигини айта олади".

**Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ, талаба:**

— Матбуот ва сўз эркинлиги фақат демократик жамиятдагина бўлади. Шундай экан, замон биздан янада демократлашишни, эркин фикр билдиришни, фақат ва фақат ҳақ гапни айтишни талаб қилмоқда! Бу талабларга "Лаббай" деб жавоб бериш йўлида ҳар қандай тўсиқ-муаммолардан холилигимиз давлатимиз миқёсидаги ва халқаро меъёрий ҳужжатларда аниқ-тиниқ кўрсатиб қўйилган. ОАВ ходимларининг воқеа-ҳодисаларга холисона муносабат билдирган материаллари "болалаши"ни хоҳлардим. Аччиқ бўлса-да ҳақиқатни айтиш ва шундан ҳузурланишга нима етсин! Зотан, эртанги кунимизнинг нурли, чароғон бўлишида бугун айтаётган ҳар бир рост сўзимизнинг ўрни бениҳоя аҳамиятли. Саҳрода қолган йўловчи сувга қанчалик ташна бўлгани сингари бугун ҳам инсонлар РОСТ СЎЗга чексиз эҳтиёж сезмоқда. Бу эҳтиёжни қондириш йўлида журналистлар янада дадилроқ, жасоратлироқ бўлмоғи зарур. Нафақат ОАВ ходимларидан, балки жамиятдаги барча касб-кор, жамики табақа вакилларидан жиндай виждонлилик, бироз фидойилик, жонкуярлик, ҳақиқатпарварлик талаб этилмоқда. Тамаддун кунба-кун илғорлаётган айни паллада бўлар-бўлмас гапларга ўралашиб, замондан орқада қолишдан Яратганнинг ўзи асрасин!

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ, ХДП матбуот хизмати ходими:**

— Яхшики, барчамиз демократик жамиятнинг, эркин фикр билдириш мумкин бўлган давлатнинг фуқаролари ҳисобланамиз. Бугун оммавий ахборот воситалари чин маънодаги ҳурлик минбарига айланган бўлиб, мавжуд қонунлар билан ҳимояланган.

Албатта, сўз эркинлиги кишига анчайин масъулият юклайди. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий онгини шакллантириш лозим. Бу борада республикадаги сиёсий партиялар қатори ХДП ҳам бир қатор ишларни амалга оширмоқда. 24-25 апрель кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясидан кейин икки палатали парламент тизимига ўтилаётгани ҳам демократик жараёнларнинг жадал суръатларда олиб борилаётганини кўрсатади.

Mustaqil gazeta HURRIYAT

## Муаммо

***Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жон Хёрбст ҳар гал бирор бир тақдимот маросимими, учрашув ёинки тадбирдами нутқ ирод этар экан, сўзини тўрт-бешта ўзбекча гапдан иборат кириш сўзи билан бошлайди. Элчининг тайёр қоғоздаги матнни қийналиб-қийналиб, тутилиб-тутилиб ўқиши, инглизча-ўзбекча талаффузлар қоришмасидан иборат ўзига хос "лаҳжа"да сўзлаши менга жуда-жуда ёқади. АҚШдек қудратли давлатнинг расмий Тель-Авив ва Москвада ишлаган юқори мартабали дипломатининг ҳақиқий дипломатлигига, инсон қалбига қандай йўл топиш мумкинлигини жуда яхши ҳис этишига қойил қоламан. Элчининг ўзбекона лутфини ҳар гал тинглаганимда унга бўлган ҳурматим яна бир ҳисса ошади.***

# МИЛЛАТ ТИЛИГА ҚЎЙИЛАЁТГАН МИЛЛИЙ ЧЕКЛОВЛАР

Тил — миллатнинг кўзгуси. Кўзгуни авайлаб-асрамоқ эса номуси, ори бутун бўлган миллат фарзандларининг вазифасидир. XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва XXI асрда "Ўзбекистон" ва "ўзбек" сўзлари дунё узра баралла янграй бошлади. Бу барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз бўлган ИСТИҚЛОЛ неъматларидан бири экани ҳеч кимга сир эмас.

1989 йилнинг октябрида, муросасиз баҳслар, поёнсиз мунозаралардан сўнг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу ҳодиса кўпчиликнинг, айниқса, жамиятнинг зиёли қисми ўртасида катта шов-шувларга сабаб бўлди. Миллий ўзликка қайтиш йўлида восита бўлган воқеага айримлар, табиийки, аламзадалар ўзгача тўн бичиб-тикдилар. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг кўпчилик назарида тил муаммоси, уни ўрганиш, ўргатиш, тарғиб қилиш ва қонуниятларига амал қилиш масалалари гўё ўз-ўзидан ҳал бўлгандек тасаввур уйғотди. Ҳолва деган билан оғиз чучимаслиги ҳақидаги халқона нақл ана шу ўринда яна бир бора тасдиқдан ўтди. Албатта, кўпчилик қатори зиёлиларни ҳам домига тортган иқтисодий ва маънавий сабаблар уларни тил масаласидан кўра, бошқа муаммоларни ҳал этишга ундаган бўлса, ажаб эмас. Қолаверса, гўё тилдан кўра муҳимроқ масалалар бўй кўрсатдики, уларнинг "ечимини излаш" бизни юқоридаги муаммодан "чалғитди". Турли кўринишдаги мафкуравий ва ахборот хуружи ўлароқ мамлакатга четдан кириб келган ва баъзи ички омиллар таъсирида шаклланган оқибатида тилимиз мавқеига соя солаётган, миллат кўзгусини хиралаштираётган сабаблардан кўз юмган зиёлиларимиз ўзбек тили билан боғлиқ муаммо-мулоҳазаларини фақат 21 октябрь (давлат мақоми берилган кун) теварагида айтадиган бўлиб қолишди. Шу масалада миллий қусурларимиз сифатида бўй кўрсатаётган ўзимизга хос кампаниябозлик, мавсумийлик кўзимизни боғлаб қўйганини сезиш қийин эмас...

Ўтган йилларда баъзи куюнчак замондошларимизнинг ўткир (цензура амал қилган шароитда чоп этилган материалларга нисбатан "ўткир" сўзини қўллаганда киши ўзини ноқулай ҳис этаркан) чиқишларини инобатга олмаганда матбуотимиз гўё, миллатлараро муносабатларда мислсиз зиддиятлар келтириб чиқариши мумкин бўладигандек сукут сақлади. Ҳолбуки, бундай бўлиши мумкин эмас, минтақадаги бирор-бир давлатда миллатлараро ва динлараро муносабатлар Ўзбекистондагичалик оқилона ечилмаган.

Ўзбек тили аҳамиятининг давлат миқёсида пасайишига яна бир қанча омилларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Аввало, ҳокимият тизимида хизмат қилаётган аксарият ҳамюртларимизнинг ўзга тил таъсирида ўсиб-улғайгани ёхуд таълим олгани уларнинг ўзбек тилига бўлган муносабатини иккинчи даражага тушириб қўйганидан кўз юмиб бўлмайди. Табиийки, "барча масалаларни кадрлар ҳал қилади" ақидаси кўп соҳаларда бўлгани сингари давлат тилининг давлат ҳудудида қай даражада амал қилишига ҳам ўзига хос таъсир кўрсатди ва ҳамон кўрсатмоқда.

Иккинчидан, давлат миқёсида қабул қилинаётган қарор ва қонунларнинг аввал ажнабий тилда тайёрланиши ва сўнгра моҳирлик билан давлат тилига ўгирилиши тажрибаси тилимизни "ишчи" тилдан гўё "аристократ" ***(амалда эса унда-бунда эсланадиган, камроқ қўлланадиган маъносида)*** тилга айлантириб қўймоқда. Ажабланарли томони шундаки, бу ҳолни кейинги пайтда кўпчилик жуда табиий қабул қилишга кўникди. (Кўникмай ҳам кўрсин-чи!)

Учинчидан, қабул қилинган қонунларнинг айримларида учрайдиган мавҳум ва мажҳул ўринлар ҳам борки, улар маълум маънода ўзбек тилининг сусайишига, мавқеини бой беришига яхшигина сабаб бўлмоқда. Фикримизни далиллашга эса мисоллар етиб ортади.

"Туркистон", "Қишлоқ ҳаёти", "Савдогар", "Ишонч", "Ўзбекистон овози", "Мулкдор" каби бир қатор газеталарнинг шу йилги айрим сонларида ички истеъмол бозорида (эътибор беринг, ташқи эмас) фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг реклама ва эълони матни русча босилди. Шундай, ўзбек газеталарида русча эълонлар бериш таомилга, оддий ва одатий ҳолга айланди. Ўзбекистон телевидениесининг барча каналида турли маҳсулот ва хизматларнинг реклама роликларининг тортинмасдан рус тилида қайта-қайта намойиш этилишидан ҳеч ким ажабланмай қўйди. Ўзбек тилида фаолият кўрсатаётган ОАВда миллий тил чекланяпти. Айни бир шароитда кўча-кўйдаги, метро ва автобекатлардаги эълон ва ташриф даъватларининг аксарияти ўзга тилларда эканидан таажжубланмасангиз ҳам бўлади. Аслини олганда бундай шармандали ҳолга тушиб ўтириш, юмшоқроқ айтганда, уятдан бошқа нарса эмас.

Бироқ номлари зикр этилган газеталар (меҳр билан изланса, бу каби мисолларни бошқа нашрларда ҳам учратиш мумкин) ва телерадио каналлари мавжуд қонунларни мутлақо бузаётгани ёки айланиб ўтаётгани ҳам йўқ, амалдаги қонун номукаммал. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси "Реклама тўғрисида"ги Қонунининг "Реклама тили" деб номланган 5-моддасида шундай ёзилган: ***"Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилади".*** Савол туғилади, реклама берувчининг хоҳишига кўра исталган тилда тарқатилар экан, унда "давлат тилида" жумласини ишлатишдан кўзланган муддао нима?

Россия Федерациясининг "Реклама тўғрисида"ги Қонунининг 5-модда 2-қисмига назар ташласак, унда қуйидагича қатъий белгилаб қўйилган: ***"Реклама на территории Российской Федерации распространяется на русском языке и по усмотрению рекламодателей дополнительно на государственных языках республик и родных языках народов Российской Федерации..."*** Демак, реклама аввало рус тилида, кейин эса исталган тилда берилади.

Юқорида берилган қонун матнлари солиштириб кўрилса, бир қарашда деярли фарқ йўқдек, бироқ энг катта ва асосий "фарқ" мавҳумликка сабаб бўлган бизнинг қонунимиздаги ***"ёки"*** сўзида экани аёнлашади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонунидаги биргина "ёки" сўзи минглаб реклама-эълон роликлари ва матнларини ўзбек заминида давлат тилига лоқайдлик намойиши ўлароқ рус тилида қайта-қайта берилишига сабаб бўлмоқда ва у қонуннинг айни моддасидаги дастлабки фикрни чиппакка чиқариб турибди.

Гап фақатгина реклама тили хусусида эмас, умуман ДАВЛАТ ТИЛИ хусусида, унинг давлат миқёсида амал қилишини кафолатлаш тўғрисида бормоқда. Шу маънода мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган айрим телеканал ва радиостанцияларнинг фаолиятини кузатиб, уларда турли тиллардаги кўрсатувлар пала-партиш жойлаштирилганидан ҳайратингиз ортади. Қисқа вақтдан иборат кўрсатувини қисқа диапозонда тарқатиб, қўшимча вақтда хориж телеканалларини олиб кўрсатиш билан шуғулланаётган телестанциялар қанча? Бодроқдек кўпайиб кетган, истаган тилда истаган фильмларни намойиш этиб чарчамайдиган кабелли телевидениелар, эга-кесимидан дарак бўлмаган, мужмал, бироқ пардозли сўзлари билан кишининг энсасини қотираётган бошловчилар ишлайдиган радиостанциялар мавзуси-ку "теша тегмаган" мавзу... Яна такрорлайман, телерадиостанциялар, газета-журналларнинг кўпайгани яхши, уларнинг қайси бири яшаб қолади, қайси бири фаолиятини давом эттиради — бу ҳам муҳокама мавзуси эмас. Бироқ уларнинг ва уларда ишлайдиганларнинг савияси, тили (бевосита ЎЗБЕК тили) билан боғлиқ жиҳатлари бизни доимо қизиқтириши, ташвишга солиши керак.



Миллий матбуот тили, ҳатто шу заминда фаолият кўрсатиши мумкин бўлган ОАВ тили қандай бўлмоғи лозим? Бу ҳол қонунларда қандай ифода топиши керак? Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни 5-моддасида "Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини "Давлат тили ҳақида"ги Қонунга мувофиқ амалга оширади" дейилади.

Минтақада лидерлик қилиш ҳаракатида бўлган ва аксарият ҳолларда ўзининг муваффақиятлари билан бизнинг ҳавасимизни уйғотаётган қўшни Қозоғистоннинг ОАВ тўғрисидаги қонунига назар ташлайлик. Қонуннинг 3-моддасида шундай жумлалар дарж этилган: ***"1. Средства массовой информации распространяются на государственном и других языках. 2. Объем по телерадиовещательным каналам, независимо от форм их собственности, на государственном языке по времени не должен быть менее суммарного объема передач на других языках".*** Қўшни давлат қонунида давлат тилининг мавқеи аниқ белгилаб қўйилган. Биздаги бағрикенгликнинг эса чегараси йўқ...

Миллий маҳсулот сифатида эътироф этилаётган айрим ички маҳсулотларда, уларнинг ёрлиқлари (этикетка) да ҳам ҳеч иккиланмасдан ўзбек тилини иккинчи, учинчи даражаларга тушириб қўйиш, баъзан ҳатто бемалол "унутиб" қўйиш ҳоллари учраб турибди. Сифатидан кўра арзон нархи билан тилга тушган "DENTA-MED" тиш ювиш пастаси қутисида маҳсулот ва уни ишлаб чиқарган корхона ҳақидаги маълумотлар "RUS" белгиси остида рисоладагидек русча, "KZ" белгиси остида рисоладагидек қозоқча берилади-ю, "UZ" белгиси остига "DENTA-MED" TISH PASTASI" деган жумладан бошқа сўз рисоладагидек ўзбекча ёзилмайди-да, ***"ГОСТ 7983-99 Срок годности 18 месяцев Дата изготовления указана на тубе Хранить при температуре не ниже $0^{\circ}$ С и не выше $+25^{\circ}$ С. ДП "PALLADA VOSTOK" ("ПАЛЛАДА ВОСТОК") Узбекистан, г.Алмалык, ул Примкулова, 6, тел.: (9987161) 3-46-08"*** деб қўя қолинади. Шуми ўзбек тилига ҳурмат-эҳтиром? Маҳсулот эгалари ўзларининг хатти-ҳаракатларини "Бу паста четга экспорт қилинади, шунинг учун ҳам маълумотларни ўзбек тилида жойлаштирмадик" дея оқлашга уринса ажаб эмас. Бироқ шу заминда тайёрланган ҳар қандай маҳсулотнинг таркиби ва у тўғрисидаги бошқа маълумотлар ЎЗБЕК тилида кўрсатилиши шарт.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси йўловчи ва юк чиптасидаги "тайёрағоҳ", "колса", "утиш", "Битимг", "хаки туланмаса", "чкланганлиги", "жўмладан", "кушимча", "ташқил", "такозо", "тз" ("тез" демоқчи — Н. А), "магнитлакнган", "чеқланган", "рўхсат", "қўроллар" каби бузиб ёзилган сўз ва жумлаларни кўриб ҳафсаланг пир бўлади. Шундай бой ва обрўли компанияда ўзбек тилини мукаммал бўлмаса-да, мактаб дастури даражасида биладиган киши топилмаганидан афсусланасан.

Қирғизистоннинг тоғли ҳудудларида мамлакат телекўрсатувларини сунъий йўлдош орқали кўрсатиш муаммолари кўтарилаётган бир паллада Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари мамлакатнинг айрим тоғли ва чекка ҳудудларида олиб кўрсатилолмаслиги ҳам ўзбек тилининг (шу билан баробар миллий мафкуранинг) миллий сиёсат даражасида комплекс ечилмаганидан далолат беради. Қолаверса, бундай ҳолат ўз-ўзидан республика манфаатларига зид ўлароқ мазкур ҳудудлардаги аҳолининг ўзга ахборот таъсирига тушиш имкониятларини борган сари кенгайтирмоқда.

"МДҲ давлатларида Россиянинг ахборий (информацион) иштирокини сақлаб қолиш", ҳатто МДҲда Россиянинг маданий-ахборот таъсирини сақлаш ва қўллаб-қувватлашдан иборат ишланма ва дастурларни амалга ошириш, Россия давлат ахборот майдонининг асосий ўлчовлари сифатини ошириш бўйича тезкор ва қаттиқ чоралар кўрилиши лозим" (Россия Федерацияси Давлат думаси ватандошлар билан алоқалар ва МДҲ ишлари бўйича қўмита раиси Б. Пастуховнинг 2000 йил 14 декабрда парламентда қилган "МДҲга интеграциялашув жараёнида ахборот таъминоти тўғрисида"ги маърузасидан) қабилидаги масалалар кун тартибига чиқаётган бир шароитда республикамиз ўзининг ахборот майдонларини бой бериши ачинарли ҳол эмасми?

Хулоса сифатида айтиш жоизки, мамлакатимизда давлат тили давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Унга қўйилаётган "миллий" чекловларни олиб ташлаш вақти аллақачон етган. Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонунининг тегишли моддасига ўзгартишлар киритилиши лозим. Реклама ОАВга яхшигина даромад келтиради, бироқ ҳар қандай реклама — нафақат ўзбек тили, балки бошқа тилларда чоп этилаётган нашрларда ҳам — аввало ўзбек тилида берилиши керак. Истеъмолчилар манфаатларини инобатга олган ҳолда миллий маҳсулотларнинг маълумотномалари, ёрлиқлари (этикетка) давлат тилида берилиши шарт. Шундагина миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида ва бошқа "долзарб" мавзуларда узундан-узоқ давра столлари ва "жонли мунозара"лар ташкил қилсак, ярашса керак...

**Н. АСЛОН**

## Танқид

# ТАШҚАРИСИ «ҲОЙ-ҲОЙ», ИЧКАРИСИ «ВОЙ-ВОЙ»

Фалсафа фанлари номзоди Равшанбек Маҳмудов Гулистон шаҳрининг "Аҳиллик" маҳалласидан яхшигина ҳовли-жой сотиб олди ва табрикловчиларнинг оёғи узилмасдан туриб ана шу яхшигина уй-жойни... сотиб юборди!

Файласуф дўстимиз уй-жой олди-сотдиси билан шуғулланар экан-да, деб ўйлаётган бўлсангиз, янглишасиз. Муҳтарам олимимиз мазкур савдодан фойда кўрдими, зарарми — билмадим-у, бу унинг учун ихтиёрий эмас, мажбурий тижорат бўлганлиги аниқ: ёмғирни "оби раҳмат" деб ҳар қанча улуғламайлик, унинг тўғрисида ҳар қанча шеъру қўшиқлар битмайлик, Яратганнинг бу неъмати ҳовлингизни мўъжазгина кўлга айлантирса, Ўзи кечирсин-у, сиқилиб кетаркансиз. Айниқса, бу сув поллар остигача кириб борса...

Сўнгги йилларда Гулистон шаҳрида катта ҳажмда қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилганидан хабарингиз бор: бу ҳақда газеталарда кўп ёзилди, радио-телевидение орқали хўб гапирилди. Ҳақиқатан ҳам шаҳар қиёфасида кескин ўзгариш кўзга ташланди: кенг ва равон йўллар қурилди, қатор муҳташам иншоотлар, турар-жой бинолари қад ростлади, эски, кўримсиз бинолар таъмирдан чиқарилди. Аммо Гулистоннинг асосий дардларига даво топилмади: аксарият аҳоли ёзда сув танқислигидан қийналса, куз, қиш, баҳорда кўлмаксув мўллигидан ташвиш чекади. Шаҳарнинг, айниқса, "Маҳалла", "Охунбобоев", "Аҳиллик" маҳаллалари, 2-мавзеси сув ичида қолиб кетмоқда. Кўчаларни айланган киши бир учи кўчадаги ариққа ташлаб қўйилган қатор-қатор шлангларни кўриб ҳайратланади. Сўнгги пайтларда тадбиркорликнинг янги тури — электронасосларни ижарага бериш урф бўлиб бораётир. (Бу гапимни, ишқилиб, солиқчилар ўқиб қолишмасин!) Бир ёмоннинг бир яхшиси бор, деганларидек, инсоф юзасидан "қувончли" бир янгиликни қайд этиб ўтишимизга тўғри келади: шаҳарда, 2-мавзеда ғозчилик ва ўрдакчилик кескин суръатлар билан ривожланиб бораётир. Қамишлар орасида сузиб юрган ғоз-ўрдакларни кўрган чоғингизда ўзингизнинг не бир қалам соҳиблари мадҳ этган шаҳри Гулистон ҳудудида турганингизга ишонолмай қоласиз. Аммо, сиз ишонасизми, ишонмайсизми — ғозу ўрдакларга барибир: ажойиб сунъий кўлчалар учун ўз тилларида шукрона айлаган ҳолда қамишлар оралаб бекинмачоқ ўйинларини давом эттирадилар...

"Замон" теледастури яқинда — 14 апрел куни эрталаб тошқин пайтидаги сув босган кўчани, резина этик кийволиб тиззаларигача сув кечиб юрган кишиларни кўрсатди. Шаҳарнинг Носир Зокиров кўчасида тасвирга туширилган ва тележурналист Лобар Қаршиева чиройли қилиб шарҳлаб берган бу манзара Гулистоннинг кўзларимиз ўрганиб қолган "ҳой-ҳой" қисмидан эмас, кўпчилик меҳмонлар назаридан ниҳон "вой-вой" қисмидан бир лавҳа эди. Хуллас, Жеральд Гордоннинг китобида тасвирланган воқеа рўй берди: "вой-вой"нинг зарби "ҳой-ҳой"нинг пардасини йиртиб ўтди — аччиқ ҳақиқат кўзга ташланиб қолди.

— Наҳотки, Гулистонда шунақа жойлар бўлса?! — ҳайратланиб савол ташлади менга фарғоналик меҳмон — божамнинг қизи Хуршида. Ўзи эзилиб ўтирувдим, бу саволдан не ҳолга тушганимни сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз. Ахир, телевизорда Гулистонни нақ митти жаннат қилиб тасвирлаганларида қариндош-уруғларимнинг, ҳамқишлоқларимнинг ҳавас ила томоша қилаётганликларини кўриб фахрланганман, "минг-минглаб гулистонликлар ёзда сувга зор, қишда эса кўлмак ичида ўтиришади" демаганман, деёлмаганман. Келган меҳмонларга ҳам муҳташам театрни, замонавий спорт мажмуини мақтаниб кўрсатганман, лекин уларни "нарироқ"қа олиб ўтишга ор қилганман. Мана, бугун ҳаммаси фош бўлди!..

Шаҳар марказидаги кўркам бинолар кўрган кўзни қувонтиради, албатта. Лекин спорт ёки санъатнинг энг ашаддий мухлиси ҳам умрининг асосий қисмини бокс саройида ёки театрда эмас, уйида ўтказиши айнул-ҳақиқатдир. Агар асосий вақтини хонадонида эмас, театрда ўтказганида, Маҳмудов домла ҳам овора бўлиб уй алмаштириб юрмасди. Дарвоқе, у кишининг янги манзилига — шаҳар биқинида жойлашган Шредер номидаги бирлашма қишлоғига бордим. Биз, "Охунбобоев" маҳалласида яшовчилар ҳали "агарўт"имизга бир кетмон уролганимиз йўқ. Домланинг томорқасида эса маккаю картошкалар кимўзарга ўсиб, мевалар ҳосил тугиб ётибди...

— Бултур "Аҳиллик"даги уйимизда, янглишмасам, майнинг охирлари — июннинг бошларида экиш-тикишга киришгандик, — дейди домла. — Худога шукр, яхши жойга келиб олдик...

Мен файласуф дўстимни муаммони қойилмақом қилиб ҳал этганлиги билан чин юракдан табрикладим. Айни вақтда ич-ичимдан бир ҳақиқатни эътироф этдим: бу "қойилмақом ечим"ни минглаб гулистонликларга тавсия этиш, яъни уларнинг барчасига шаҳар ташқарисидан уй сотиб олишни маслаҳат бериш ақлга тўғри келмайди...

**Мухтор НОСИР**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Биз чоп этишга тайёрлаб қўйилган ушбу мақолани арзгўйларнинг илтимосларига кўра эълон қилмоқдамиз. Айни пайтда адолат юзасидан шуни қайд этамизки, мухбиримизни телефон орқали хабар қилишича вилоят ва шаҳар ҳокимликлари юқоридаги долзарб муаммони ҳал этишга жиддий киришганлар.*

*Шаҳарни кўлмак сувдан халос қилиш учун бор куч-имкониятлар ишга солинаётир. Хусусан, ҳар қачонгидан кўпроқ сувтортгичлар ишлаб турибди. Энг муҳими, Гулистон тарихида илк марта ҳеч қачон журъат қилинмаган ғоят дадил тадбирга қўл урилди — шаҳарни заҳ офатидан буткул ва биратўла қутқариш режасини ишлаб чиқиш юзасидан иш бошланди.*

*Бу хайрли режа, албатта, амалга ошади ва унинг самараларидан сиз, азиз газетхонларни хабардор қиламиз, деган умиддамиз. Ва яна умид қиламизки, чўлқуварлар ўлкаси «пойтахти»ни ҳақиқий гулистонга айлантиришдек хайрли ишга республика «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҳам яқиндан кўмаклашади.*

## Низо

*Ҳурматли таҳририят!*

*Маълумки, ташкилотларда ходимлар билан "Меҳнат шартномаси" асосида иш юритилади. Мазкур омилнинг ижобий жиҳати шундан иборатки, раҳбарият ҳар бир ходимнинг ўз ишига муносабати, ишнинг самарадорлиги, шахсий фазилатлари ва нуқсонларига эътибор беради ва навбатдаги "Меҳнат шартномаси" тузиш вақтида ана шу хулосалардан келиб чиқиб иш кўради. "Меҳнат шартномаси" асосида иш юритишнинг иккинчи жиҳати ҳам бор. "Иккинчи жиҳат" дея алоҳида таъкидлашнинг боиси шуки, у ҳам бўлса "Иш берувчи", яъни раҳбарнинг инсоний фазилатига бориб тақалади. Фараз қилинг, ходим ўз ишига ҳалол муносабатда бўлади, унинг иш фаолиятида бирон-бир камчилик йўқ даражада. Бироқ ходимнинг шахсий бир жиҳати раҳбарга маъқул тушмайди ёки унинг ўрнини кимгадир олиб бериш зарур бўлиб қолди. Уни ишдан четлатиш лозим. Раҳбар уни ишдан четлатишга баҳонани, албатта, қидириб топади. Ахир "Меҳнат шартномаси" деган дастак бор-ку! Мен "Меҳнат шартномаси" тузиш палласи яқинлашганда ҳатто оддий фаррошлар ҳавотирдан юрак ҳовучлаб юрганликларининг гувоҳи бўламан. Негаки, арзимаган баҳона ёхуд шахсий адоват сабаб ишдан ажралиб қолиш хавфи муқаррар равишда таҳдид солиб туради.*

*Мен "Муқимий" театрида 12 йил давомида адабий бўлим мудири (адабий эмакдош) лавозимида ишладим. Иш юритишнинг янги усулига ўтилган даврдан бошлаб "Меҳнат шартномаси" деб аталмиш қилич тўрт маротаба менга таҳдид солди. Бунга иш фаолиятимдаги ягона бир омил сабаб бўлди: ҳалоллик, ўз ишига виждонан муносабатда бўлиб, қинғир ишларга йўл қўймаслик. Уч маротаба тегишли ташкилотларга мурожаат қилиб, ҳақлигимни исботладим, ўз иш жойимга тиклашга мажбур бўлишди. Тўртинчисида эса...*

*2002 йилнинг 30 августида театр бош режиссёри Назаров мени яна ишдан бўшатди...*

*... Қонунга кўра, Шартномани Биринчи шахс, яъни директор тузиши лозим бўлса-да, бизда ижодий ходимлар билан бош режиссёр шартнома тузишига йўл қўйиб берилди. Ахир бу ҳол бош режиссёр ходимларга шахсий қарашлари асосида муносабат белгилашига шароит яратиб беришнинг ўзгинаси эмасми?...*

**Ф. ФАЙЗИЕВ, театршунос**

# «МУҚИМИЙ»ДА НИМА ГАП?

**ТАҲРИРИЯТДАН: Юқоридаги шикоят-хатини айни шу жойда тўхтатишни лозим топдик. Боз яна "Муқимий"дек санъат даргоҳи, у ердаги муҳит ва бошқа ҳолатлар хусусида айтилган нордон-нордон жумлалар устидан чизиқ тортишдан ўзга илож топмадик. Негаки, халқимиз — санъатсевар, одамларда санъатга бўлган меҳр-муҳаббат, эстетик дид шаклланишида "Муқимий" театри, у ерда меҳнат қилган, қилаётган инсонларнинг хизматлари беқиёсдир. Шу боис бу даргоҳда меҳнат қилаётган у ёки бу амалдорнинг, жуда юмшоқ айтганда, нотўғри хатти-ҳаракати оқибатида "Муқимий"даги заҳматкашларни жамоат аро хижолатга солиш инсофдан эмасдек...**

**Бироқ Ф. Файзиев ҳам "Муқимий"га бегона эмас, умрининг 10 йилдан зиёди шу даргоҳда ўтди, бинобарин, унинг куйиб-ёниши замирида шахсий муаммосигина эмас, театрдаги муҳитдан жиддий хавотири ҳам ётибди...**

**Таҳририятнинг эса икки томон ўртасида ҳакамлик қилиш ваколати йўқ, билъакс, санъат даргоҳидаги муҳит мўътадиллашувига хайрихоҳлигимиз бор, холос. Бундай хайрихоҳлик сифатида театрдаги аҳволни бир шахс номидан матбуотга чиқарворишдан тийилиш билан ифода этаётган бўлсак, иккинчи томондан Ф. Файзиев мурожаатини беэътибор қолдирмаслик учун юзага келган муаммони ҳуқуқий томондан шарҳлаб беришни ҳуқуқшунос ҳамкоримиз Ғиёс Номозовдан илтимос қилдик.**

* * *

"Ҳуррият" — танқидга мойил газета. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, ўзи ҳаётдаги катта-кичик муаммони ҳал этиш, ҳамиша ҳам ўша муаммо мавжудлиги ҳақида бонг уриш орқали бошланади. Акс ҳолда арава жойида туравераді. Шу кўз билан қараганда, танқидчининг нияти пок. У муаммолар камайиб, одамлар яхшироқ яшашини истагани учун ҳам қўлига қалам олади.

Танқид эса ундаги муаммони ҳал этиши лозим бўлган мутасаддиларни талвасага тушириб, ҳаловатини бузади. Ўзи матбуотнинг асл иши ҳам шу-да!

Йўл-йўлакай "Ҳуррият"га кириб қолсам, кўпинча газетанинг янги сони учун тайёрланаётган материаллар юзасидан қизғин баҳс устидан чиқаман. Изланувчан, айниқса, муаммоларнинг ҳуқуқий томонига жуда қизиқувчан жамоа таҳририятга ташриф буюрган ҳар қандай ҳуқуқшунос мутахассисдан мавзунинг у ёки бу томонига муносабатини билишга интилади.

Ўзи, мен бирон-бир театр ходимини ҳимоямга олган эмасман. Санъаткорларимизнинг биридан газетага ёзилган шикоятни таҳририятдаги дўстларимнинг илтимосига кўра мутахассис сифатида шарҳлаяпман, холос. Негаки, ўша шикоятда менинг касбимга, яъни Меҳнат ҳуқуқига оид энг нозик мавзу тилга олинган. Қолаверса, "ҳуқуқ"ни матбуот орқали тарғиб қилиш, адвокат пул олмасдан бажариши лозим бўлган жамоат топшириғи ҳамдир.

Шикоятда ёзилишича, ҳозиргача "Муқимий" театрида ходимлар иш берувчи билан муддатли меҳнат шартномаси тузар эканлар. Келинг, тарафларнинг бирортасини ноўрин хафа қилиб қўйишдан имконият борича тийилган ҳолда, ўша шикоятдан бир парча келтирай: "Меҳнат шартномаси асосида иш юритиш бизнинг юртимизда бирмунча мураккаб даврга тўғри келди. Юмшоқ қилиб айтганда, одамлардан муайян даражада инсоф, диёнат кўтарилган даврда ана шундай усулда ишлаш жараёнига киришдик. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ходим ўз ишига ҳалол муносабатда бўлади, унинг иш фаолиятида бирон-бир камчилик ёхуд нуқсон йўқ. Бироқ ходимнинг шахсий бир жиҳати раҳбарга маъқул тушмайди ёки ходимнинг ўрнини кимгадир олиб бериш зарур бўлиб қолади. Уни ишдан четлатиш лозим. Раҳбар уни ишдан четлатишга баҳонани, албатта, қидириб топади ёки уюштиради. Бу раҳбар учун ҳеч гап эмас. Ахир "МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ" деган дастак бор-ку! Мен МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ тузиш палласи яқинлашганда ҳатто оддий фаррошлар ҳам ҳадиксираб, қўрқувдан юрак ҳовучлаб юрганликларининг гувоҳи бўламан. Негаки, уларнинг ҳеч қандай айбу нуқсонлари бўлмаса-да, ишдан ажралиб қолиш хавфи муқаррар равишда таҳдид солиб туради".

Такрор айтаман, шикоятдаги шу парчани келтиришдан мақсад айнан шу низода ходим ҳақ, иш берувчи ноҳақ ёки аксинча деб хулоса чиқариш эмас, балки Меҳнат низосини юзага келтирган омилнинг қонунга мослиги моҳиятини газетхонларга етказишдир. Менинг вазифам эса фақат юзага келган ҳуқуқий КАЗУСни тўғри ечишга қаратилган, холос.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 76-моддаси "Иш берувчининг муддатли меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқини чеклаш" деб номланган ва унда: "Муддатли меҳнат шартномалари бажарилажак ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда тузилади", деб ёзиб қўйилган.

Энди юзага келган вазиятни қонун нормаси орқали таҳлил қилайлик.

Театрда бажариладиган ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари номуайян муддатга меҳнат шартномасини тузиш мумкин бўлмаган ҳолатми? Нима, театрда фаолият кўрсатаётган ходимнинг иш ҳажми вагонга тарвуз ортаётган мардикорнинг ишига ўхшаб тугаб қоладими?! Ёки театрдаги ходимлар меҳнат шартномаси муддатли бўлиши кераклигини ўзлари талаб қиляптиларми?! Ёки театрда ишлаш учун қонунда муддатли меҳнат шартномаси тузиш назарда тутилганми? Йўқ, албатта.

Меҳнат кодексининг 76-моддасини қандай қўллаш кераклигини судьяларга тушунтирган Олий суд Пленуми ўзининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорининг 5-бандида шундай деб ёзади: "Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, муддатли меҳнат шартномалари фақат Меҳнат кодексининг 76-моддасида белгиланган ҳолатлар бўлганлиги сабабли номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда тузилиши мумкин.

Ходим билан муддатли меҳнат шартномасини тузишга қуйидаги ҳолатлар мавжудлигида йўл қўйилиши мумкин:

— бажариладиган ишнинг тафсилотига кўра бажариш учун ходим олинган ишни маълум бир муддат ўтгандан кейин объектив сабабларга кўра давом эттиришнинг имкони бўлмаслиги олдиндан маълум бўлганда, яъни у муддатли характерга эга бўлади;

— бажариш учун ходим олинган ишни бажариш шартлари (қонунга мувофиқ ходимнинг иш жойи ва бошқалар сақланадиган меҳнат ва ижтимоий таътилларда бўлган вақтига бошқа ходимни ишга қабул қилиш);

— ходимнинг манфаатлари, яъни у ёки бу ҳолатларга кўра муддатли меҳнат шартномаси тузилиши ходимнинг манфаатига асосланган бўлганда.

Назарда тутиш керакки, Меҳнат кодексининг 76-моддасида келтирилган ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш тўғрисидаги рўйхат қатъий чегараланган. Агар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 76-моддаси талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилмаган бўлса, бундай ҳолда шартноманинг муддати ҳақидаги шартлар ҳақиқий эмас деб топилади, ходим эса номуайян муддатга биринчи иш кунидан бошлаб қабул қилинган ҳисобланади".

У ҳолда нима сабабдан ва қандай ҳуқуқий асосларга кўра театрда иш берувчи ва ходим ўртасида муддатли меҳнат шартномалари тузилмоқда?

Гап шундаки, Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри раҳбарияти ва ходимлари ўртасидаги меҳнат шартномасининг намунавий бланкаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 6 январь 1994 йилдаги 1/1-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги театр-томоша муассасалари, раҳбар ва ижодий ходимлари билан контракт тузиш қоидалари ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги 11-сонли қарори билан тасдиқланган низомга асосан ишлаб чиқилган.

Ҳозирда амалда бўлган Меҳнат кодекси 1995 йил 21 декабрь куни қабул қилинган (тасдиқланган) ва 1996 йил 1 апрелдан амалга киритилган. Шу кундан эътиборан меҳнат тўғрисидаги илгари амалда бўлган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг Меҳнат кодексига зид қисми бекор бўлган. (Олий Мажлиснинг Меҳнат кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисидаги 1995 йил 21 декабрдаги қарори билан).

Шу сабаб ҳам театрда (бошқа жойларда ҳам) иш берувчи ва ходим ўртасида муддатли Меҳнат шартномасини тузиш ҳам (башарти ходимнинг ўзи шуни хоҳламаса, шунга ташаббус кўрсатмаса, яъни бу шартнома ходим манфаати учун қилинган бўлмаса) ва шундай шартнома тузишга имкон берадиган қонун ва қонун ости актлари (қарор, Низом) ҳам 1996 йил 1 апрелдан ўзининг юридик кучини йўқотган.

Ўша эски намунавий шартномадаги

11. Алоҳида ҳолатлар:

а) ишга ширакайф ёхуд маст ҳолда келган ходимлар ҳеч қандай ҳайфсан ва огоҳлантиришсиз вазифасидан озод этилади;

б) кўчма маданий ва ижодий тадбирлардан (гастроль сафари, учрашувлар, сайёр томошалардан) театр маъмуриятини огоҳлантирмай кетиб қолган ходимлар ҳеч қандай огоҳлантириш ва ҳайфсансиз ишдан бўшатилади, деган бандлар ҳам, қолаверса,

13. Муҳим қайдлардаги:

в) мазкур шартномада қайд қилинган талаб ва шартларни ҳар икки томон сир сақлаши, ошкор этмаслиги лозим, деган талаблар амалдаги Меҳнат кодекси талабларига зид бўлиб, улар юридик кучга эга эмас.

Мавзуни якунлар эканман, фақат бир нарсадан хафа бўлганимни яширмайман. В. Шекспир яшаган даврларда нафақат оддий одамлар, балки ҳуқуқшуносларнинг ўзлари ҳам қонунлар мазмунини театрдаги спектаклга қараб ўрганганлар. Баён этганларимни, яъни театрда муддатли меҳнат шартномасини (агар ходимнинг ўзи талаб қилмаса) тузиш мумкин эмаслигини, меҳнат шартномаси эса иш берувчи ходимни қўғирчоқ қилиб ўйнатадиган қурол эмаслигини илгарироқ тушуниши, билиши лозим бўлган ҳуқуқи-ку!

Таҳририятга шикоят ёзган ходим театр жойлашган жойдаги фуқаролик судига даъво қўзғаб, муддатли меҳнат шартномаси тузишнинг қай даражада қонунийлиги устидан арз қилса, ўз жойига (лавозимига) автоматик тарзда тикланишига шубҳа йўқ.

**Ғиёс НОМОЗОВ, ҳуқуқшунос**

## Сароб

# ЕТДИМ ДЕГАНДА...

Ҳозирги пайтда чет элда ишлаш орзусида юрган кишилар кўплаб учрайди. Мазкур жараён асосан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан расмий равишда олиб борилади. Бироқ турли фирмалар ва шахслар ҳам фуқароларнинг ишончига кириб ёки уларнинг аҳволидан фойдаланиб, чет элга ишга юборишни ваъда қилишади. Уларнинг қоп-қоп ваъдаларига ишонган ватандошларимиз чув тушиб қолиши ҳолатлари ҳаётда учраб турибди. Ҳаммадан қизиғи шундаки, паспортига хорижий давлатга кириш визасини уриб бериб, қўлларига учоқ билетини тутқазиб, чет элга учириб юборишгандан кейин ҳам муаммолар чиқиб қоларкан.

Чет элга ишга юборишни ваъда қилган Тошкентдаги фирмалардан бири 30 кишидан 2750 АҚШ долларидан пул йиғиб олиб, апрель ойининг бошларида улардан 28 нафарини учоққа миндириб сафарга жўнатди. Манзил жуда олисда – Сеулда эди. Бироқ учоқ Сеулдаги халқаро аэропортга келиб қўнганида чегара хизмати ходимлари 28 ватандошимизга Жанубий Корея ҳудудига киришга рухсат бермади. Айтишларича, уларнинг паспортларидаги виза чақирув қоғози бўйича меҳмонларга бериладиган виза экан. Мазкур виза билан мамлакатда 90 кундан ортиқ муддатга қолиш ҳам, ишлаш ҳам мумкин эмаслиги маълум бўлган.

Даъватнома билан хорижий давлатга борувчи шахсларда ўша жойда сарфлаш учун тегишли миқдорда хорижий валюта бўлиши зарур. Бироқ юқоридаги кишиларнинг чўнтагида кўпи билан 100 долларгача пул бўлган, холос. Ишлаш умидида борган сайёҳлар икки кун аэропорт ҳудудида ушлаб турилиб, кейинги рейс билан мамлакатимизга қайтариб юборилди. Тарвузи қўлтиғидан тушган 28 киши Тошкентга келибоқ фирма вакиллари билан учрашибди. Фирмадагилар уларга ҳамма харажатларини қайтариб беришни ваъда қилишибди.

Шуниси ажабланарлики, хорижда ишлаш учун катта миқдордаги пулни қўшқўллаб топширган ватандошларимиз билан фирма ўртасида ҳеч қандай ёзма шартнома тузилган эмас. Ҳамма "эркакча гап"га ишониб ҳаракат қилаверган. Натижада, таъбир жоиз бўлса, сувга ташна бўлиб турган 28 кишининг лаби сувга теккан-у, аммо ичиш насиб қилмаган.

Бизга маълум қилишларича, юқоридаги ҳолат юзасидан айрим шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилган.

**Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ**

## Дараклар

### Қидирув давом этмоқда

**Ироқ пойтахтида Саддам Ҳусайн ҳокимиятининг юқори мансабдорларини қидириш давом этмоқда. Марказий Қўмондонлик вакили айтишига қараганда, ўзини Бағдод ҳокими деб эълон қилган Муҳаммад ал-Зубайдий қўлга олинган. Хабарингиз бор, яқинда АҚШ томонидан зудлик билан ҳибсга олиниши керак бўлган 55 нафар Ироқ раҳбарлари**



**рўйхати эълон қилинган. Маълумотларга қараганда, шу кунгача рўйхатдаги собиқ мансабдорларнинг 13 таси қўлга туширилган.**

**Айни пайтда пойтахтдаги стратегик иншоотлар, ҳукумат ва БААС партияси бинолари Қўшма Штатлар ҳарбийлари томонидан синчковлик билан текширилмоқда. Ироқ муваққат ҳукумати фаоли, "Ироқ миллий конгресси" ташкилоти раҳбари Аҳмад Чалабийнинг таъкидлашича, Саддам Ҳусайн ҳали тирик.**

### Журналист Фрутос — Парагвай президенти

**Парагвайда навбатдаги президентлик сайлови ниҳоясига етди. Унда "Колорадо" партияси номзоди Никанор Фрутос 37,6 фоиз овоз тўплаб, ғалаба қозонди. Фрутоснинг энг яқин таъқибчиси, собиқ вице-президент, либерал партия раҳбари Хулио Франко 23,4 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлган. Эслатиб ўтамиз, Парагвай қонунларига биноан, президентлик сайловларида 50 фоиздан ошиқ овозга эга бўлиш шарт эмас. Бу ерда ғолиб умумий тарафдорлар миқдорига кўра аниқланади.**

**Янги президент 46 ёшли Фрутос бунга қадар журналистлик билан шуғулланган. Шунингдек, 1993-97-йилларда Парагвай Таълим ва маданият вазири лавозимида хизмат қилган.**

### Муҳаммад Саҳоф таслим бўлмоқчи

**"Ироқ миллий конгресси" ташкилотига мамлакатнинг собиқ Ахборот вазири Муҳаммад Саҳоф таслим бўлиш мақсадида мурожаат этган. Бу ҳақда араб электрон газетаси "Ал-Бavваба"га ИМК раҳбарларидан бири Набил ал-Мусайи маълум қилган. Мусайининг таъкидлашича, Саҳоф яқин бир неча кун ичида таслим бўлиши мумкин.**

**Яқиндагина С. Ҳусайн ҳокимиятида Бош вазир ўринбосари вазифасини бажарганТориқ Азиз қўлга олинганди. Эндиликда Ахборот вазирининг ҳам сўроқ қилиниши собиқ ҳукумат ҳақида тўлароқ маълумот олишга имкон бериши мумкин. Вазир сифатида аввалги бошқарувда катта мавқега эга бўлган Саҳоф АҚШ эълон қилган қора рўйхатнинг олдинги қаторларидан ўрин олган.**

### Биринчи босқич якунланди

**Яна бир Жанубий Америка мамлакати Аргентинада президентлик сайловининг биринчи босқичи якунланди. Унда 1989-99-йилларда мамлакатга раҳбарлик қилган Карлос Менин энг кўп — 30 фоиз овоз жамғаришга муваффақ бўлди. Санту Круз провинцияси губернатори Нестер Киршнерга сайловчиларнинг 20 фоизи овоз берди. 18 май куни ўтказиладиган кейинги босқич сайловларда ана шу икки номзод иштирок этади.**

**Аргентина анчадан буён иқтисодий бўҳронлар теграсига тушиб қолган, молиявий инқирозлар ҳали ҳам мамлакат тараққиётига соя солиб турибди. Янги сайланажак президент биринчи навбатда Аргентинани инқироз кўчасидан олиб чиқиши ва тараққиёт сари бошлаши зарур.**

### Номаълум касаллик хавфи ортмоқда

**Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти сайёҳларни Канадага бормасликка чақирмоқда. Бунга эса мамлакатда пневмонияга ўхшаш касалликнинг шиддат билан тарқаётгани сабаб бўлган. Сўнгги маълумотларга қараганда, Канаданинг 21 фуқароси айни шу касалликдан вафот этган. Умуман, номаълум офат мамлакат иқтисодига 1,5 миллард доллар зарар келтирган.**



**Хабарларда айтилишича, шу кунга қадар Хитойнинг ғайриоддий вирусга чалинган 131, Сингапурнинг 21 фуқароси ҳаётдан кўз юмган. Дунё бўйича эса касаллик қурбонлари 317 тага етган.**

### Музокара бошланди

**Непал пойтахти Катмандуда расмий ҳукумат ва унга оппозицияда бўлган Маочилар ҳаракати вакиллари ўртасида музокаралар бошланди. Ушбу ҳаракат томонидан январдан буён уюштирилаётган норозилик чиқишлари, тартибсизликлар вазиятни издан чиқариб юборди. Кузатувчилар икки томонлама мулоқот бу борада келишувга имкон бериши мумкинлигини айтишмоқда.**

**Бироқ Непалдаги бошқа мухолиф партиялар музокараларда қатнашишни истамаётир. Хабарларга қараганда, улар мамлакат қироли Гянендрага қарши намойишлар бошлашга ҳозирлик кўрмоқдалар.**

**Интернет хабарлари асосида**
**Абдул СОБИР тайёрлади**

## Интеграция

# ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА





Қадим Юнонистон яна бир улкан тарихий ҳодиса шоҳиди бўлди. Пойтахт Афинада бўлиб ўтган Европа Иттифоқи саммитида Марказий ва Шарқий Европанинг 10 мамлакатини халқаро уюшма таркибига қабул қилиш тўғрисида битим имзоланди. Яқингача социализм байроғи остида яшаган давлатларнинг "Европа уйи" аъзоси бўлиши осон кечмади. Бу курашда бир неча авлод иштирок этди. Шу сабаб бўлса керак, халқаро учрашувга Венгрия ва Польша расмий делегацияси билан бирга мамлакатнинг собиқ президент, бош вазирлари ҳам ташриф буюрдилар. Бу Европа Иттифоқи тарихидаги энг йирик битим саналади. Чунки шу пайтга қадар "Умумий бозор"га бир вақтнинг ўзида учтагача давлат қабул қилинган, холос.

Аслида Европа давлатларини бирлаштириш ғояси XIX аср ўрталаридаёқ пайдо бўлган эди. Бироқ зўравонлик асосига қурилган империялар ўртасида кечган тинимсиз жангу жадаллар эзгу ғояни амалга оширишга имкон бермади. Ўша даврдаёқ, яъни бундан икки аср олдин француз ёзувчиси Виктор Гюго шундай деб ёзган эди: *"Биз буюк Европа Қўшма Штатлари тузишга эришамиз. Чегарасиз диёрга, божхонасиз тижоратга, тўсиқсиз сафар қилишга, ёлғонсиз сўзга, ямоқсиз виждонга, сафсатасиз ҳақиқатга макон бўлган Ватанга эга бўламиз"*. Таассуфки, машҳур адибга ўзи орзу қилган ягона маконни кўриш насиб этмади. Европа Гюгонинг куюнчаклик билан айтган нидоларига қулоқ солмади. Тобора ўсиб, тўлишиб бораётган янги дунё империясига биргаликда қарши туриш ўрнига қадим қитъа ўз-ўзини қирғинга маҳкум қилиб, Биринчи жаҳон муҳорабасини бошлаб юборди. Урушда фақат бир мамлакат ғалаба қозонди — АҚШ. Ғалаба сururидан сармаст Россия ҳам ҳали қандай даҳшатли куч чангалига тушиб қолганини англаёлмаётган эди. Европа эса бутунлай култепага айланганди. Тасодиф ёхуд тарих битиги сабабми, Иккинчи жаҳон уруши ҳам Европадан бошланди. Ажабки, бу сафар ҳам фитна Ғарбий Европа халқларининг тарихий ватани бўлган мамлакатдан чиқди. Бироқ дунёни босиб олиш Гитлер ўйлаганидек, Париж ёки Москвага саёҳат қилиш билан баробар эмас эди, албатта. Шу тариқа 60 дан ортиқ мамлакатни ўз домига тортган Иккинчи жаҳон урушида 60 миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлди, 90 миллиондан ортиқ киши ярадор, майиб-мажруҳга айланди. Уруш келтирган моддий талафотни эса 12 ҳадли рақамлар билан ўлчаш мумкин эди. Европа яна мағлубият билан баробар ғалабага эришди. 1945 йил июлда ғолиблар қаторида иштирок этган Буюк Британия Бош вазири У. Черчилль ҳам ҳар қанча салобату виқор билан музокара олиб бормасин, унинг бутун фикру хаёли Лондонда эди: уруш даврида ҳатто "Европа юраги" деб танилган шаҳар ҳам кунпаякун бўлганди...

Ниҳоят, қирғинлардан силласи қуриган қадим қитъа бирлашиш, ягона ватан бунёд этиш зарурлигини тушуниб етди. 1951 йилда Франция Бош вазири Роберт Шуман ташаббуси билан Кўмир ва пўлат Европа бирлашмаси (КПЕБ) тузилди. Ўша пайтда ҳеч ким ана шу кичик бирлашма кейинроқ бутун Европанинг бошини қовуштирадиган улкан иттифоққа айланишини билмас эди, албатта. 1957 йилда Атом энергияси бўйича Европа ҳамдўстлиги (Евратом) ташкил этилди. Худди шу йили Римда Евратом ва КПЕБ аъзолари бўлган 6 мамлакат — ГФР, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург вакиллари томонидан Европа Иқтисодий Ҳамкорлигига асос солинди. "Умумий бозор" мамлакатлари кенг ва тенг ҳамкорлик туфайли тез тараққий эта бошлади. Табиийки, бу ҳолат бошқа давлатларнинг ҳам ЕИҲга қўшилиш иштиёқини кучайтирди. 1973 йилда Дания, Ирландия ва Буюк Британия, 1981 йилда Греция, 1986 йилда Испания ҳамда Португалия Ҳамдўстликка қабул қилинди. Шу тариқа ЕИҲ сарҳадлари кенгайиб борди.

1991 йилнинг декабрида Нидерландиянинг Маастрихт шаҳрида ўтказилган учрашув ЕИҲ фаолиятида туб бурилишлар ясади. Унда КПЕБ, Евратом ва ЕИҲни умумий Европа Иттифоқи номи билан аташ тўғрисидаги ҳужжат қабул қилинди. Бундан ташқари, илк марта Голланд диёрида сиёсий ва мудофаа иттифоқи тузиш бўйича шартнома имзоланди. Мазкур битимларда шу билан бирга ягона миллатлар бошқарувини ташкил этиш ҳақида ҳам сўз борарди. Лекин бир қатор мамлакатларда бунга халқлар ўзлигига таҳдид солиш, миллийликни йўқотиш йўлидаги ҳаракат, ўз давлати тақдирини ҳал этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш деб баҳо берилди. Масалан, Данияда ўтказилган референдумда аҳолининг кўпчилик қисми Маастрихт битими ратификациясига қарши чиқди. Бирлашиш ғоясининг асосий тарафдори бўлган Францияда ҳам умумхалқ овоз беришида халқаро ҳужжатни 51 фоиз аҳоли қўллаб-қувватлади, холос. Лекин шундай бўлса-да, сиёсий ҳамда валюта-иқтисодий иттифоқини вужудга келтириш тўғрисидаги шартнома барча давлатларда ёқланди ва 1993 йил 1 ноябрда кучга кирди.

Маастрихт саммити интеграция жараёнини жадаллаштириб юборди. 1995 йили Финляндия, Швеция ва Австрия ЕИ таркибига қўшилди. Люксембургда ўтказилган 1997 йилги халқаро учрашувда Иттифоқни янада кенгайтириш, Польша, Чехия, Словакия, Словения, Эстония, Латвия, Литва, Болгария, Румыния каби Шарқий ва Марказий Европа мамлакатларини "Умумий бозор"га қабул қилиш масаласи муҳокама этилди. Шундан кейин ЕИ аъзолигига номзод мамлакатлар учун тайёргарлик даври бошланди ва, айтиш керакки, бу жараён ҳали ҳам давом этмоқда. Биринчи навбатда ушбу давлатларнинг қонунчилик тизими Иттифоқ ҳуқуқий актларига мослаштирилди. Шу билан бирга номзод давлатларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодий тараққиёт даражасига етказиш йўлида ислоҳотлар олиб борилди.

Собиқ социалистик давлатларнинг Европа Иттифоқига қўшилиши унинг ҳудудини янада йириклаштиради, улкан уюшманинг 375 миллионлик аҳолисини 450 миллионга етказади. Гарчи Афинада Иттифоқни кенгайтириш тўғрисидаги битим имзоланган бўлса-да, халқаро ҳужжатнинг расман 2004 йил 1 майда кучга кириши назарда тутилган. Бунга қадар эса "Умумий бозор"га қўшилаётган мамлакатларда референдум ўтказилади. Агар аҳолининг ярмидан кўпроғи бу масалада ҳукумати позициясини қўллаб-қувватламаса, ўз-ўзидан ўша мамлакат "Европа уйи"га қабул қилинмайди (шу пайтга қадар Словения, Венгрия, Мальтада умумхалқ овоз бериши бўлиб ўтди ва, кутилганидек, аҳолининг асосий қисми Иттифоқ таркибига киришни ёқлаб чиқди).

Ҳозирча эса биринчи навбатда ЕИга аъзо 15 мамлакат парламентлари ушбу битимни ратификация қилиши (тасдиқлаши) лозим. Агар Иттифоқ мамлакатларидан бирортасида халқаро ҳужжат тасдиқланмаса, Шарқий Европа халқларининг кўп йиллик орзуси армонлигича қолаверади. Бироқ кузатувчилар воқеаларнинг бу тахлит ривожи унчалик ҳам ҳақиқатга яқин эмас, деган фикрда.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган барча ташкилот ва корхоналар диққатига!

**Республикамизнинг йирик ва универсал банкларидан бири Акциядорлик тижорат**

**«ПАХТА БАНК»**

**Сизларга 3 ой муддатга йиллик 22 фоиз ҳамда 6 ой муддатга йиллик 26 фоиз даромад тўланадиган депозит сертификатларини таклиф этади.**

**Ҳар бир сертификатнинг номинал қиймати 100 000 (юз минг) сўм.**

Имкониятингизни қўлдан бой берманг!

**«ПАХТА БАНК» –**

фаровонлигингиз калитидир!

**Тўлиқ маълумот учун телефонлар: 78-10-94, 173-25-51.**

Сана

# ҲАРОРАТЛИ УЧРАШУВЛАР

## ҚИЗ ТЎЙИНИНГ ОШИ

Университетни тамомлаб, "Муштум" журналида ишлаб юрган кезларим Ғафур Ғулом билан тез-тез учрашиб турар эдим. У киши журнал идорасига кун-кунора келар ва қизиқ-қизиқ сўзлар билан ҳаммамизни кулдириб, кўтаринки ижодий руҳ бағишлаб кетардилар. Шоир гоҳи-гоҳида ўзи ўйлаб юрган режаларини биз билан ўртоқлашар, шу ерда айтиб ёздирардилар. Кўпинча бу ишга мени маъқул кўрар эдилар. Баъзан эса асар ёзиб олиш учун уйларига ҳам чақирардилар.

Бир куни тонг саҳарда телефоним жиринглаб қолди. Уйқусираганимча гўшакни кўтарсам, Ғафур Ғулом эканлар.

— Мухтор, турдингми, болам? — дедилар у жарангдор овоз билан. — Уй ичинг тинчми, бола-чақаларинг соғ-саломатми?

Менинг уйқум дарҳол ўчиб, Ғафур ака билан саломлашдим.

— Агар турган бўлсанг, тез етиб кел, катта газетага мақола ёзамиз, — дедилар Ғафур ака.

Мен апил-тапил юзимни ювиб, Бешёғочга — шоирнинг уйига йўл олдим. Эрталабки нонушта устига қуруқ кирмай, деб йўл бўйидаги бозорга тушиб, иккита гижда нон, бир пиёлача қаймоқ, битта қоғоз халтада яхши ҳусайни узум олиб кириб бордим.

— Жуда эсли боласан-да, нима қилардинг овора бўлиб? — деб кутиб олдилар Ғафур ака.

Бирга чой ичган бўлдик. Кейин ишга ўтирдик. Ғафур ака Москвада чиқадиган катта газетага мақола ёзиш керак экан, ўйлагани ҳа деганда чиқавермади. У пешонасини уқаладию:

— Э, тўхтат, — дедилар. — Энди бир иш қиламиз...

Кейин шахсий шофёрлари бўлмиш Мустафо деган татар йигитни чақириб, унга қаергадир бориб, нимадир олиб келишини тайинладилар. Кўп ўтмай Мустафо товоққа уяма қилиб солиниб, устига иккита гижда нон босилган буғи чиқиб турган ошни кўтариб кирди.

— Кел, Мухтор, ош еймиз, — дедилар Ғафур ака. Менинг тортиниброқ турганимни кўриб:

— Э, биласанми, бу ошни ҳў ота маҳаллам — Қоратошдан атайлаб олдириб келдим. Қиз тўйининг оши. Дунёда қиз тўйининг ошидан ширин-



роқ ош бўлмайди, билиб қўй, — дедилар.

Биз Ғафур ака билан ошни туширдик. Турган гапки, ош олдидан бир пиёла-ярим пиёла май ҳам нўш этилди. Сўнг ишларимиз юришиб кетди, мақола ҳам кўнгилдагидек чиқди.

**Ҳар сафар бирорта қиз тўйига бориб, ошини еганимда раҳматли Ғафур аканинг айтганлари эсимга тушади, ҳамроҳларимга айтиб бераман. Руҳлари шод бўлса ажаб эмас...**

## БИР ОТАЮ БИР ОНАДАН БЎЛГАН АКА

"Муштум" журнали редакциясида ишлаб юрган кезларим. Бир куни муҳарриримиз Мирмуҳсин ака мени чақириб:

— Ғафур ака сизни йўқлаяптилар, шифохонада эканлар, ҳикоя ёзиб келаркансиз, — деди.

Суриштирсам, Ғафур ака Қибрай томонга кетаверишдаги ҳукумат шифохонасида экан, хотинимга бир кострюлка чучвара пиширтириб, кўргани бордим. Ғафур ака чучварани иштаҳа билан тановул қилиб, пиширган рафиқаму бола-чақамга бахт-саодат тилаб дуо қилдилар. Кейин янги ҳикоясини айтиб туришга, мен ёзишга ҳозирлик кўра бошладик. Шу ерда юрган калта соқолли, сариқроқдан келган миқтигина бир қария идиш-товоқларни олиб, дастурхонни йиғиштирди, кейин бир чойнакда чой дамлаб олдимизга қўйди. Кейин яна бир кириб:

— Яхши ўтирибсизларми, бошқа ҳеч нарса керак эмасми? — деб сўради.

Ҳикоясини бошлаш учун фикрини йиғиб ўтирган Ғафур акага қариянинг тез-тез кириб чиқиши ёқмади шекилли, унга:

— Бўлди, ҳеч нарса керак эмас, халақит бермай анув ёққа чиқиб ўтиринг! — деди.

— Хўп, хўп, — деб ўзини четга олди қария.

Мен — содда бола — бу қариянинг кимлигини тушунмасдан:

— Ғафур ака, бу киши шифохона томонидан қўйилганми? — деб сўрабман.

— Акам бўлади, — деб қовоғини солганча жавоб қилди Ғафур ака менинг бу саволим ҳам унинг фикрини жамлашга халақит берганидан жаҳли чиқиб. Мен Ғафур аканинг синглиси — Баҳри опани танирдим, новчадан келган, камгап, улуғвор аёл эди. Бу одмигина чолнинг Ғафур Ғуломнинг акаси эканлигига ишонқирамасдан яна сўрабман:

— Ўз акангизми, ё...

— Э, қанақа боласан, битта ота, битта онадан бўлган акам-да, сенга яна қанақа қилиб тушунтирай? — деб бердилар Ғафур ака. Мен бемаврид берилган бу содда саволимдан хижолат бўлиб жим қолдим, кўп ўтмай Ғафур ака ҳикоясини бошлади, бу машҳур "Энг расво номози аср" ҳажвий ҳикояси эди. Уни тўла-тўкис қилиб ёзиб олдим, кейин қўлёзмани бошдан-оёқ ўқиб чиқдик, зарур жойларига тузатишлар қилинди. Ғафур ака қўлёзмани қўлига олиб, орқасига: "Мен ўлгандан кейин музейимга олиб бориб берасан. Ғ. Ғ." деб имзо чекиб қўйдилар.

Ғафур ака вафот этганда унинг "бир отаю бир онадан бўлган" акаси Ҳасан ака ҳаёт эдилар. Биз у киши билан елкамизни елкамизга тутиб йиғлашдик, ўша ҳикоянинг ёзилиш воқеасини эсладик...

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

Турмуш

# ҚИЛМИШИГА ЯРАША

Кўкка бўй чўзиб турган бинонинг 12-қаватида ҳали чироқ ўчганича йўқ. Хўжайинни бўсағада эшик қоқиб турган янги йил билан қутлагани келганларнинг бири чиқиб, бири кириб турибди. Қабулхонада навбат кутиб ўтирганлар орасида яқиндагина қурилиш бошқармасига бошлиқ этиб тайинланган Маҳмуд Салимович кўринмасди.

Кўп йиллардан буён бош муҳандис лавозимида ишлаб келаётган бу йигит ишбилармонлиги, ташкилотчилигию тадбиркорлиги, шу билан бирга камтарин ва самимий инсон сифатида танилган эди. Раҳбарликка унчалик хуши бўлмаган Маҳмуд Салимовични иқтисодий жиҳатдан анча ночорлашиб қолган ташкилотга "ҳе" йўқ, "бе" йўқ, шартта тайинлаб қўйишди. Бошга тушганни кўз кўрар деганларига амал қилган бу йигит бошқармани ботқоқдан олиб чиқиш учун энг аввало ишда тартиб-интизом ўрнатди. Янги технологияларни ишга тушириб, қўшимча ишчи ўринларини ташкил этди. Одамларнинг ишга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб, талабчанликни оширди. Моддий манфаатларни сифатга боғлаб қўйди. Ана шундай йўллар билан катта бир қурилиш бошқармасини қисқа муддат ичида илғорлар сафига олиб чиқди.

— Сиздан угина, биздан бугина, деган гап бор, дўстим, — деди юқори қаватдаги хўжайин бир куни Маҳмуд Салимовични ўз ҳузурига чақиртириб. — Бошқарма бошлиғи бўлиб ишлаётганингизга ҳам йил тўлай деб қолди, тўғрими?

— Тўғри, — деди бошқарма бошлиғи қўлини кўксига қўйиб.

— Ўзингиздан билиб, ака, менга бирор-бир хизмат борми, дейишни билмасангиз, — давом этди хўжайин. — Сизни кутадиган бўлсам, туянинг думи ерга тегиши керак шекилли.

Маҳмуд Салимович қип-қизариб кетди. Нима дейишини билмай, суратдек қотди.

— Мана бу лойиҳа, — деди хўжайин икки қаватли уйнинг чизмасини кўрсатиб, — қаерда ва қандай қуриш кераклигини Маҳкамов айтади. Муддат икки ой. Тушунарлими?

Бошқарма бошлиғи лом-мим деёлмади. Тўғрироғи, тили калимага келмади. Лойиҳани тўрт буклаб чўнтагига солганича судралиб чиқиб кетди.

Бу гапга ҳам уч ойдан ошди. Оддийгина оиладан чиққан, қинғирлик нималигини билмайдиган, ҳалол инсон Маҳмуд Салимовичнинг уй-хаёли лойиҳада бўлиб, оромини йўқотиб қўйди. Хўжайиннинг айтганини қиладиган бўлса, ўғирлик қилиши керак. Қилмайдиган бўлса, ишдан кетиши керак. Роса боши қотди бечоранинг. Яхшиямки, ўшанда юқоридан комиссия келиб, "текшир-текшир" бошланиб кетди. Ўзиям ҳамма жойни остин-устун қилиб ташлашди. Ҳамманинг тилида хўжайин: ана қамалармиш, мана қамалармиш. Ҳеч бало бўлмади. Берадиганини бериб қутилди-қолди. Мана, энди ўрнини тўлдириш учун яна кутиб ўтирибди.

Маҳмуд Салимович топшириқни бажармагани учун ишдан кетиши аниқлигини билиб, тўғри прокурорнинг олдига борди. Ипидан игнасигача ҳаммасини ёзиб берди. Сўнг ҳам қувонч, ҳам қўрқув билан хўжайинни хурсанд қилгани шошилди. Қабулхонада уч-тўрт раҳбар худди тиш дўхтирига кирадигандай бир нуқтага тикилганича ўтиришар, ичкаридан телевизорда берилаётган концерт эшитилиб турарди. Хўжайин Маҳмуд Салимовичнинг саломига алик ҳам олмади. Табригини эшитгиси ҳам келмади. Қовоғидан қор ёғаётгандек хўмрайиб тураверди. Семизгина конверт қўлига тегиб, ичига назар ташлагач, бирдан ўзгарди. Шундай суюндики, ҳеч қўяверинг!

— Табрик ўз йўлига, — деди у муғомбирона кулиб. — Аммо уй янаги байрамгача тайёр бўлиши керак. Келадиган комиссия келиб кетди. Энди келмайди. Пичоғим мой устида бўлсин десангиз, буёғига ғайрат қилинг!

... Хўжайиннинг гапи шу ерда тўхтади. Қўлларига солинган кишан уни соқов қилиб қўйди.

**Нуриддин ОЧИЛОВ**

Мутолаа

Сўнгги йилларда бадиий ижод жабҳасида ўзига хос тамойил кўзга ташланяпти: муҳтарам, элга таниқли бир қатор адабиётшунос ва файласуф олимлар бадиий ижодда ҳам ўзларини синаб кўрмоқдалар. Китобхонлар Озод Шарафиддиновнинг, Матёқуб Қўшжоновнинг эсселари ва мемуарлар шаклидаги асарларини, санъатшунос олим Тилаб Маҳмудовнинг ҳикояларини қизиқиш билан кутиб олдилар. Эътироф этиш керакки, илм-фанда эл ҳурматини қозонган бу олимлар публицистикада, бадиий ижодда ўзларининг янги, ғоятда диққатга сазовор жиҳатларини намоён эта олдилар.

Бугун уларнинг қаторига яна бир муҳтарам олим ҳам қўшилди. Мен бу ўринда атоқли адабиётшунос, янада аниқроғи, навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовни назарда тутяпман. Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти бу адабиётшунос олимнинг "Ишқим чечаклари" деб аталган шеърий тўпламини ўқувчиларга ҳадя этди. Олим ушбу китобни Абдул-Қодир тахаллуси остида чоп эттирибди.

Китоб ҳозирги куннинг янги шуури, янгича илҳомлари билан битилган шеърлар, ғазаллар, болалар дунёсига муносабатдан туғилган асарлар, манзумалар ва шеърий таржималарни ўз ичига олади.

"Ишқим чечаклари" билан танишган ўқувчи олимнинг шоирликка ҳавас боғлаганидан ҳайратда қолмайди. Қолаверса, бундай ҳолат миллий тарихимизда ҳам янгилик эмас. Ибн Сино ҳам, Умар Хайём ҳам, Шарафиддин Али Яздий ҳам ҳар бири ўзига хос буюк олим бўлиш билан бир қаторда буюк шоирлар ҳам бўлганлар. Абдуқодир Ҳайитметов (Абдул-Қодир), аввало, шу улуғ боболаримиздан қўл олиб, уларнинг изидан борган. Қолаверса, китобни варақлар экансиз, олимона тафаккур ва теран зиёлилик ёғдулари Абдуқодир Ҳайитметовнинг шеърий ижодига бир ўзига хос дастхат, нафас бағишлаб турганлигини яққол ҳис қиласиз. Айниқса, бу руҳ унинг тўртликларида барқ уриб туради. Бундай шеърлар ҳеч бир ҳозирги бошқа шоирларда учрамайди.

Абдуқодир Ҳайитметов эзгуликка, ҳикматларга шайдо бир шеърий туйғуга эга. Худди шундай туйғу унинг шеърий ташбеҳларида ҳам ўзини аён этиб туради. Олим-шоир ёзади:

*Ҳаёт йўлларини ўтганим сари,*
*Тўлиб бормоқдадир умр дафтари.*
*Лекин учмоқ истар яна-да баланд —*
*Орзу-умидларнинг оқ кабутари.*

Бу — самимий кўнгилдан туғилган шоирона сатрлар. Қолаверса, бу тўртлик олимнинг шеърда қалами синганининг сабабини ҳам изҳор этиб турибди. Босиб ўтилган ҳаёт йўлининг бойликлари, у қалбга ато этган ҳис-туйғулар, ҳикматли маънолар беихтиёр олимни шеъриятга ҳам ундаган. Олимнинг умр дафтари фақат илмий



# ОЛИМНИНГ ШЕЪРИЙ ТУҲФАСИ

саҳифалар билан эмас, бадиий, шеърий саҳифалар билан ҳам безанишига йўл очган. Аммо ҳаёт тўхтовсиз ривожда. Олим-шоир жараённи донишмандлик билан қабул қилади. Ҳаёт синовларни, машаққатларни ҳам бошга соладики, бу табиий бир ҳолат. Лекин, энг муҳими, инсон ғолиб бир руҳият соҳиби сифатида олдинга, келажакка умид-орзулар билан боғланиб яшайди. Бу орзу-ниятлар оқ кабутарларга ўхшайди. Бу чиройли ташбеҳ сермаънодир. Аввало, қанотининг оқлиги орзу-умидларнинг юксаклиги ва қанотли эканлигини руҳиятимизга етказади.

"Ишқим чечаклари" яна бир жиҳатдан қимматли. Унинг "Таржималар" деб аталган қисмида олим-шоирнинг Шайх Саъдий рубойиларидан, Шоҳий Сабзаворийнинг форсий ғазалларидан, Алишер Навоийнинг девонидаги ўзбекча-арабча муламмаъ ғазалларидан баркамол таржималари ўрин олган. Улар Алишер Навоий мероси толибларига гўзал бир тортиқдир.

Айниқса, улуғ шоирнинг форсий тилда битилган "Туҳфат ул-афкор" ("Фикрлар туҳфаси") қасидасининг таржимаси учун биз Абдул-Қодир домладан беҳад миннатдор бўлишимиз керак. Бу асарнинг ҳикматлар дунёси олим-шоирнинг таржимасида ўзининг бор фалсафий ва бадиий гўзаллиги билан юзага чиққан. Бошқа асарларнинг қимматини унутмаган ҳолда, айтиш мумкинки, мана шу битта таржиманинг ўзи учун ҳам "Ишқим чечаклари" тўплами кенг ўқувчилар учун қимматли бир китобдир.

**Михли САФАРОВ**

Ҳажвия

# БИР НУСХАЛИ ИККИ ОДАМ

Муомала маданиятига бағишланган мажлисда маърузачи Босволди Сотволдиевичнинг сўзамоллиги ажвига минди:

— Бу ёруғ оламда, — деди у кўрсаткич бармоғини ҳаволатиб, — инсондан азизроқ мавжудот йўқ. Нарса борки, унга, унинг манфаатига йўналтирилган. Ҳатто мана шу ўттиз икки тиш қалқонлаган тил ҳам жойида ширин сўзлар билан буралсин, дейман. Элчиликда "Тиғ ярасидан тил яраси ёмон" нақли бежиз юрмайди, ахир...



— Маладец экан-у директоримиз, — хаёлидан ўтказди нотиққа маҳлиё механик. — Ишхонадагилар қовоғи тошдан, тили пичингдан бўшамайди. Маданиятдан кейин туғилган дейишувди. Товба...а? Шундай одамни-я? Бахиллик қурсин. Иғвогарни уйи қурсин-а.

— Бугун ниҳоятда нозик масала ҳақида гапиряпман-у хижолатдан тер босиб кетяпти. — Босволди Сотволдиевич "катта" ларга хос томоқ қоқди. — Тўғри. Интизом керак. Ликин, тирик жон. Турфа ташвиш деганларидек. Кечиримли бўлайлик. Ғанимат эканмизми, қадрлашни,- ҳурматни жойига қўяйлик.

— Қойилманей, — механик хаяжонини ёнидаги шеригидан яширолмади. — Бу муомала маданиятиниям обдон уқибдиларда. А...а?

— Масалан, механигимиз-Солижонни олайлик. — Босволди Сотволдиевич кираверишга ўрнашган механикка "Ўрнингиздан туринг, дегандек мулойим ишора қилди. — Ўзи янги ходим. Ҳали ёш. Ғўрроқ. Йиғилишга ҳаяллади. Нима қилиш керак? Терговлайми? Мажлисдан чиқариб юборайми? Балки ҳайфсан бериш, ишдан ҳайдаш лозимдир? Шундай ўйласангиз, хато қиласиз. У механик бўлсаям аввало тирик жон. Ташвиши чиқиб қолгандир. Эҳтимол, автобуси ушланиб қолгандир. Тушуниш керак буни. Шундай пайтда очиқ чеҳра билан кўнгил сўраш муомола маданиятидан дарак эмасми?!

— Ў-ҳу, қойил-қойил, — механик директорнинг ўтириш ишорасига монанд қўлини кўксига қўйиб ўриндиққа чўкаркан, яна шеригига шипшиди. — Бир директор бўлса, шунчалик бўлади-да.

Кайфияти чоғ бўлган механик мажлисни совутмай Босволди Сотволдиевичнинг ҳузурига ошиқди. Котиба йўқ экан. Берухсат чарм қопланган нақшдор эшик тутқичини секин ўзига тортди-ю хона тўрида йўғон тортиб ўтирган Босволди Сотволдиевичга кўзи тушди. Важоҳати ёмон.

— Мумкинми, Босволди ака? — механик бемаврид кирдим-ов деган хаёлда бир қадам илгарилади.

— Босволди ака?! Бу нима деганинг? Сенларга неча марта айтаман Босволди Сотволдиевичман, деб.

— Узр, Босволди Сотволдиевич.

— Бу биринчидан. Иккинчидан ўласанми эшикни тақиллатиб кирсанг. — Каттанинг важоҳати баттарлашди.

Механик айб иш қилгандек дудуқланди:

— Кечирасиз. Шу бирров кириб... шу...

— Гапир-да чайналмай. — Босволди Сотволдиевич бутун оғирлиги билан айланма креслосини ғичирлатгач, ўрнидан туриб пиёладаги совитилган чойни очиқ деразадан ташқарига зарб билан сепди. — Нима бало, талқон ютганмисан? Гапирмайсанми муқомланмай?

Механик бир "катта"га, бир эшикка қараганча каловланди:

— Шу бояги мажлисга... кечикканлигим... ҳалиги узримни... раҳматимни...

— Э... эй?! Чулдирама! Нега кечикасан? А... а?! Ўзинг-ку яқинда иш бошладинг. Кечикишга бало борми? Гапир!!!

— Анови... шунақа бўлиб... келинингизни туғруқхонага... фарзандлик бўлдик.

— Эҳа... а?! — директор истеҳзоли тиржайди. — Ота бўлдим де. Отаям шунақа шалвирайдими? Бунақада боланиям латта қиласан-ку. Лаббай? Бор, чиқ. Иккинчи марта бунақанги важ-маж кўтариб кирма олдимга. Тушундингми? Ҳов, тушундингми, деяпман сенга?! Ҳей тарбиянгдан ўргилдим. Маданиятсиз!!!

**Рауф СОАТОВ**

Voice of America

Америка овози

www voanews. com/uzbek

- Дунё хабарлари
- Америка ҳаётидан лавҳалар
- Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар
- Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар
- АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари
- Вашингтон-Тошкент алоқалари
- Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар
- Терроризмга қарши кураш босқичлари
- Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар

Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида

Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.

«Америка овози»

радиосини қисқа тўлқин — УКВ
17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда;
20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19,
шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда
ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.

VOA

МУРОЖААТ УЧУН
VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA
Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368
uzbek@voanews.com

Ибрат

# ИЛОҲИЙ КАРОМАТЛАР

Имом Ғаззолий шундай дейди: "Мансабдорларга яқинлашмоқ ва улар билан яқин алоқада бўлмоқ олимлар учун энг улкан фитна эрур. Бундай бир ҳол шайтоннинг инсонни нифоққа солмоқ учун қилган катта ҳийласидир.

Султонларга қараб талпинган ёки уларга яқин олимлар сўз ва суҳбатларида ҳукмдор ҳамда маъмурларга ёқиш, мақбул бўлиш ва яхши кўринишга ҳаракат этурлар. Бундай олимларнинг ҳолига вой! Зеро, шайтон уларга қандай сўз ва фикр айтишларини талқин қилур..."

Қадимгиларнинг тушунчалари бўйича эса, "Олимлар илм эгаллагандан кейин амал қилар, амал қилганлари замон ўрганиш, текшириш билан машғул бўлурдилар. Ҳеч кимса олимларни ўрталикда кўрмасди. Шунинг учун ҳам улар кашфу кароматдан бенасиб қолмас ва ўзларини қаттиқ муҳофаза этишар ва қўлга тушмаслик учун узлатга чекинардилар".

* * *

Иброҳим Адҳам айтур: "Бир кун бир чўпонга учрадим. Ундан сув сўрагандим: "Ёнимда сув ҳам, сут ҳам бор. Қайсисини истарсен?" — деди. "Сувни", — дедим. У оёққа қалқди ва ҳассаси ила тошни сурди. Шу заҳоти у ердан тотли сув отилиб чиқа бошлади. Мен таажжубда қолдим, у эса: "Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Қул Ҳаққа итоат этгач, бутун олам ҳам унга итоат қилур", — деди.

* * *

Ривоят қилинурким, Ҳамдун Қассорнинг илму ирфондаги шони юксалгач, Нишопурнинг улуғлари унга: "Сўзларинг кўнгулларга фойда етказиши учун минбарга чиқишинг ва халққа насиҳат айлашинг керак", — дейишибди. "Менинг сўзлашимга ҳожат йўқдур", — дебди Қассор. "Нечун?" у айтибди: "Чунки менинг кўнглим дунё ва дунё мавқеига боғлиқдир. Шунинг учун менинг сўзимдан фойда бўлмас ва кўнгилларга таъсир этмас. Кўнгилларга таъсир кўрсатмайдиган сўз сўйламак — илмни саёзлаштирмоқдир..."

Ундан сўрадилар: "Не ҳолдурки, эскиларнинг сўзлари кўнгилларга бизнинг сўзларимиздан кўра кўп карра фойда етказмакдадур". Қассор деди: "Негаки, улар диннинг иззати, нафснинг нажоти, Ҳақнинг ризоси учун сўз айтмишлар. Биз эса нафснинг иззати, мол-дунё орзуси ва халқнинг ҳурмат-эътибори учун гапирурмиз... Нафснинг мақсадига мувофиқ сўз сўзлаган кимсанинг фикрларида бир тубанлик ва бузуқлик бўлур. Бу хил гап-сўзлардан халққа ҳеч қандай фойда йўқдур".

**Тўпловчи:**
**Иброҳим ҲАҚҚУЛ**

## ТУЗАТИШ

Газетанинг 23 апрель № 16-(322)-сонида чоп этилган **"Тўртинчи раҳбар ҳам келди, лекин..."** мақоласидаги учинчи хатбоши ***"Туман "Матлуботсавдо" акциядорлик жамиятига қарашли мавжуд 48 та дўконнинг 39 таси фаолият кўрсатаётган бўлса-да..."*** деб ўқилсин.

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

*Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:* Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амиркул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72, 41-49-91.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ
Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 331
Адади: 3305

*Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.